

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:658:330.12:6.01(575.1)**

ШАВҚИЕВ САРДОР

**Модернизациялаш шароитида инфратузилма фаолиятини
ташкил этиш ва бошқариш
(«Туронбанк» ОАТБ Миробод филиали мисолида)**

5А340201- Менежмент (инфратузилма)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

**Илмий раҳбар:
и.ф.н, доц. З.Т.Шодиева**

Тошкент 2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I.Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилманинг аҳамияти ва зарурлиги.....	7
1.1. Инфратузилманинг мазмуни ва зарурлиги.....	7
1.2. Инфратузилманинг туркумланиши.....	12
1.3.Инфратузилманинг ўзига хос хусусиятлари.....	20
II.Боб. Инфратузилма фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётининг таҳлили.....	25
2.1. Тижорат банкларининг инфратузилма муассаса сифатидаги ривожланиш тенденциялари.....	25
2.2. Тижорат банклари хизматлари бозорининг ривожланиш таҳлили.....	38
2.3. Иқтисодиётни модернизациялашда инфратузилма фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш.....	44
III. Ўзбекистон Республикасида инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш.....	51
3.1. Инфратузилмани бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	51
3.2.Ўзбекистон Республикасида инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш.....	59
Хулоса ва таклифлар.....	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66
Иловалар.....	71

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Президентимиз И.Каримов томонидан асос солинган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб борилиши тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида аҳамиятли сифат ўзгаришларга эришиш имконини яратди.

Бу борада мамлакатими раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, “ўзок муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”.¹ Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланувчи демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз олдида бу мақсадларга эришиш йўллари босиб ўтиш, улар тақозо этувчи чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси туради. Шу ўринда, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган тизим амал қилган чоғда инкор этилган, жамият аъзолари фаровонлигининг юксак даражасига эришишда «халал берувчи», «ёт унсур» сифатида қараб келинган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга қайтадан назар ташлаш, уларнинг ижтимоий-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси 12.11.2010 й. Халқ сўзи. Ноябрь.

иқтисодий тараққиётдаги ўрнини объектив жиҳатдан баҳолаш зарурияти вужудга келди. Бундай тушунчалардан бири – бугунги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти юксак натижалари, аҳоли турмуш даражасининг муҳим томони ҳисобланувчи инфратузилма соҳаси ҳисобланади. Бу соҳанинг «яратувчанлик кучи», «мўъжизакор» табиати, иқтисодиёт жадал ҳаракатининг муҳим омили эканлиги ривожланган мамлакатлар томонидан аллақачонлар эътироф этилган ҳамда юксак даражада баҳоланган. Шунга кўра, инфратузилма, айниқса, инфратузилманинг иқтисодий табиатини ўрганиш, унинг тараққиёт омили сифатидаги имкониятларини очиб бериш, таркибий қисмларини ҳар томонлама ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш олдимизда турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инфратузилмани бошқариш соҳасида хорижлик олимлардан И.Шумпетер, М.Портер, Дж.Брайт, Р.Жочимсенлар россиялик олимларидан Е.Н.Жильцов, Т.С.Хачатуров, В.Н.Казаков, М.А.Гусаков, Б.М.Гринчель, Н.Е.Костилева, Стаханов В.И, Федько Н.Г ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Республикамиз олимларидан Б.Ю. Ходиев, Ш.Н, Зайнутдинов Б.Б, Беркинов, С. Ғуломов, Ш.Ш. Шодмонов, У. Ғафуров, Б, Гойибназаров, Ч Муродов ва бошқалар томонидан инфратузилмаларнинг ривожланиш ва уларнинг, бошқаруви йўналишларини назарий ва амалий муаммоларига доир қатор тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида номлари зикр этилган хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқотларида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилмани бошқарувини баҳолаш усуллари деярли амалга оширилмаган.

Тадқиқот ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилмани бошқариш усуллари тақомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- инфратузилма ривожланишининг назарий асосларини ўрганиш;
- инфратузилма бошқариш дастурларини самарали амалга ошириш

хизмат қилувчи асосий омиллар тизимини ишлаб чиқиш;

- инфратузилма давлат томонидан тартибга солиш механизмида стратегик менежмент элементларини тадқиқ қилиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда инфратузилманинг замонавий ҳолатини таҳлил этилиб, илмий хулосалар чиқариш;

- инфратузилма ривожланишини бошқаришнинг йўналишларини белгилаш.

Тадқиқот объекти бўлиб, “Турон” ОАТБ ва мамлакатимиздаги инфратузилма таркибига кириувчи ташкилотлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий муносабатларидаги жараёнлар ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертация ишининг янгиликларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инфратузилма ривожланишини назарий асослари ёритиб берилди;
- инфратузилманинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинди;
- инфратузилмани бошқаришни баҳолаш усуллари аниқланди;
- тижорат банкларининг хизмат бозоридаги аҳамияти аниқланди;
- “ Турон” ОАТБ мисолида инфратузилмани бошқарувининг иқтисодий таҳлили амалга оширилди;

- инфратузилмага таъсир қилувчи омиллар баҳоланди;
- инфратузилмани такомиллаштириш механизми ўрганилди;
- инфратузилмани бошқарув самарадорлигини баҳолаш амалга оширилди.

Магистрлик диссертацияси иши таркиби. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, математик-статистик, қиёсий таққослаш, эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умулашган ифодаси. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан инфратузилмани бошқаришнинг баҳолаш усуллари тақомиллаштиришда, бошқарувга оид тегишли қарорлар ва чора-тадбирлар белгилашда фойдаланиш мақсадли ҳисобланади.

Шунингдек, айрим назарий тавсиялардан “Корпоратив бошқарув”, “Инфратузилма иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

1.Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилманинг аҳамияти ва зарурлиги

1.1. Инфратузилманинг мазмуни ва зарурлиги

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий тараққиётидаги жуда кўплаб омил ва хусусиятларни, жумладан, республикаимизнинг геосиёсий ва геостратегик ҳолати, иқтисодий тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, давлатнинг фаол белгилловчи роли, ислохотларга қадар даврдаги иқтисодиётнинг таркибий тўзилишидаги номувофиқликлар, кучли ижтимоий сиёсат зарурлиги кабиларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бозор механизмларининг самарали амал қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни, шу жумладан, бозор инфратузилмасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Кенг тармоқли инфратузилма – фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тўзилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз”.²

“Инфратузилма “ атамаси латинча “ *infra* “ – қуйи, ости, “ *structura*” – тўзилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. “ Инфратузилма” атамасининг кенг қўлланилишига қарамай, бу тушунчани турлича талқин қилиш ҳоллари учраб туради. Бир гуруҳ олимлар инфратузилманинг функциясини ишлаб

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси 12.11.2010й. Халқ сўзи. Ноябр.

чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишда деб қараб, уни хизмат кўрсатишнинг яхлит тизими сифатида белгилайди.

Шунингдек, баъзилар “инфратузилмани” инсонни ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқаришда хизматлар, ишлаб чиқаришдаги ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”³, “моддий ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатувчи, халқ хўжалигида иқтисодий айланишни таъминловчи, аҳоли учун хизматлар ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи, атроф - муҳитни такрор ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилиш учун мавжуд халқ хўжалигининг тармоқлари ва тармоқ ичи соҳалари йиғиндиси “сифатида таърифласа”⁴, баъзилари инфратузилманинг аҳамиятини “ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини яратиш”, “асосий ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш” орқали белгилаб, у орқали фақат ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш тизимини тушунади.

«Моддий ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатувчи, миллий иқтисодиётда иқтисодий айланишни таъминловчи, аҳоли учун хизматлар ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи, атроф-муҳитни такрор ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилиш учун мавжуд иқтисодиёт тармоқлари ва тармоқ ички соҳалари йиғиндиси» сифатида таърифласалар⁵, баъзилари инфратузилманинг аҳамиятини «ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини яратиш», «асосий ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш» орқали белгилаб, у орқали фақат ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш тизимини тушунадилар.

Р.Иохимсен инфратузилмани хўжалик фаолияти даражасини оширувчи, ҳудудларда хўжалик бирлигини ташкил этишга имконият яратувчи бир хилда сарф қилган харажатларига оладиган даромадларини

³ Стаханов В.И. Экономика инфраструктуры общественного производства. Учеб. пос. Ростов н/Д, 2008, 6-б.

⁴ Шарипов А.Ю. Управление отраслями инфраструктуры в системе региона. М., 2007, 5-б.

⁵ Шарипов А.Ю. Экономическая сущность инфраструктуры. Управление отраслями инфраструктуры в системе региона. М., 2008, 5-б.

тенглаштирувчи моддий, шахсий ва институционал фаолият турлари ва улар ташкилотларининг йиғиндиси сифатида талқин қилади.⁶

Бозор иқтисодиёти муносабатларини барқарорлаштиришда инфратузилмани ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан бундай хусусиятлардан бири бўлиб инфратузилманинг самарали амал қилишини таъминлашда давлатнинг алоҳида ролини зарурлиги ҳисобланади. Чунки, бундай зарурият қўйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- инфратузилма соҳасидаги талаб ва таклифни тартибга солиб турувчи бозор механизмининг самарали амал қилмаслиги;

- инфратузилма объектлари хизматига бўлган нархлар бўйича талабнинг эластик эмаслиги;

- инфратузилма хизматлари бозорнинг нотекис таркибий тўзилиши натижасида бозордаги мувозанатга эришишда давлат томонидан аралашувнинг зарурлиги;

- инфратузилма соҳаси фаолиятининг ривожланиши асосий тармоқнинг ривожланиш даражасига боғлиқлиги ва бошқалар.

Республикамизда инфратузилмани шакллантириш борасида давлат томонидан қўйидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилди:

- инфратузилманинг барча субъектлари мажмуасини шакллантириш;
- инфратузилма субъектлари ўртасидаги бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш;
- инфратузилманинг барча субъектлари фаолиятини атрофлича ташкил этиш;
- инфратузилма унсурларини ривожлантириб, янгиларини вужудга келтириш;
- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кўмаклашувчи идораларни барпо этиш;

⁶ Jochimsen R. Theorie der Infrastruktur – Zübingen. Mohr, 2003, 51-6.

- бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлаш.

Мамлакатимизда инфратузилмани ривожланишининг хусусиятларидан яна бири – бу унинг алоҳида эмас, балки иқтисодиётда олиб борилаётган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилишидир. Жумладан, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтиришда давлат мулкни баҳолаш, уни сотишга тайёрлаш ва сотиш, янги мулк эгасига бериш, мулк эгалари ўртасидаги битимларни рўйхатга олиш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришда салоҳиятли мулк эгаларини аниқлаш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажариш мақсадида кўплаб инфратузилма унсурлари барпо этилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса инфратузилма таркибига кирувчи банк, кредит, суғурта тизимлари фаолиятининг эркинлаштирилиши ҳам янги ташкилий тўзималарнинг шакллантирилишига имкон яратди. Кичик ва хусусий бизнесни жадал суръатлар билан ривожлантириш, ўрта мулкдорлар синфини қарор топтиришга бўлган эътибор тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, уларнинг иш самарасини оширишга ихтисослашган кўплаб тизимларнинг вужудга келишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб қилади. Инфратузилма турли хил вазифаларни бажарувчи таркибий қисмлар, унсурлардан иборат тизимини намоён этади. Шунга мос ҳолда, инфратузилманинг таркибий қисмларини белгилаб олиш, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини ўрганиш, иқтисодий табиатини очиб бериш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда инфратузилма таркибини белгилаш, мазкур тизимга кирувчи унсурларни кўрсатиб беришда маълум номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан инфратузилма алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуи сифатида қараб, уни беш бўғинга ажратади:

-ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика кабилар);

-товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи инфратузилма (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлари, давлатнинг савдо-сотиқ ва уларни назорат этувчи муассасалари);

-молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари);

-аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфратузилма (уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари);

-ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар – маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари).⁷

Инфратузилманинг функционал белгиси такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашдаги ролини тўлиқ очиб беради, яъни: савдо воситачилик, молия-кредит, иқтисодий-ахборот, иқтисодий-ҳуқуқий, ташқи иқтисодий кабилардир.

Тармоқ нуқтаи назаридан – савдо, таъминот, маҳсулотни сотиш, тайёрлов, молиялаш, кредит, суғурта, ахборот-ҳисоблаш, кўчмас мулк билан операциялар ва умумий тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган инфратузилма ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб қилади. Инфратузилма турли хил вазифаларни бажарувчи таркибий қисмлар, унсурлардан иборат тизимини намоён этади. Шунга мос ҳолда, инфратузилманинг таркибий қисмларини

⁷ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.,2000, 189-190 б.

белгилаб олиш, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини ўрганиш, иқтисодий табиатини очиб бериш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда инфратузилма таркибини белгилаш, мазкўр тизимга кирувчи унсурларни кўрсатиб беришда маълум номувофиқликлар мавжуд.

Бозорларга хизмат қилиш белгиси бўйича – тижорат банклари, суғурта компаниялари, маслаҳат, аудиторлик фирмалари, ахборот муассасалари.

Жумладан, солиқ идораси, суғурта муассасасининг баъзи турлари, божхона, эмиссия банки каби тўзилмалар бевосита давлат томонидан ташкил этилган бўлиб, улар иқтисодий фаолиятнинг зарур меъёр ва тартибларда олиб борилишини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман пухта ва асосли ташкил қилинган инфратузилма тизими жамиятимиз тараққиётининг барча соҳаларда бирдек амал қилишига эришилиши лозимдир.

1.2. Инфратузилманинг туркумланиши

Инфратузилма мажмуасига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга кўпинча таъсир кўрсатади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди шу нуқтаи назардан ҳам инфратузилма тармоқларини уларнинг муҳим белгилари жиҳатидан таснифлаш унинг алоҳида элементларининг ва асосий йўналишларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини аниқлашга имконият яратиб беради. Инфратузилма мажмуаси қўйидаги омиллардан тўзилади:

- ишлаб чиқариш инфратузилма;
- ижтимоий маиший инфратузилма;
- институционал инфратузилма;
- бозор инфратузилма;
- шахсий инфратузилма;

- экологик инфратузилма.


Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий истеъмол товарлар, буюмлар ва ноз - неъмат маҳсулотлари яратувчи тармоқ ва корхоналарга тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қадоқлаш ёки жойлаштириш, таъминот ва тамирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи ва уларнинг тўхтовсиз фаолият юргизишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуасини ташкил этади.

Ижтимоий - маиший инфратузилма бевосита кишиларнинг ижтимоий - маънавий маданий, маърифий илмий ва бошқа шунга ўхшаш фаолият йўналишлардаги ҳаракатлари, муносабатлари, ўзаро боғлиқлиги ва алоқадолорлигини таъминлашни, ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва субъектлар мажмуидан иборат бўлган иқтисодиётнинг алоҳида бир бўғинидир.

Ижтимоий-маиший инфратузилма аҳолининг турмуш тарзига бевосита боғлиқ бўлган уй - жой қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, билим бериш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва маиший, махсус алоқа ва транспорт, 12 овқатланиш хизматларини кўрсатиш ҳамда бошқа соҳаларни ўз ичига олувчи, уларни бир - бирига боғловчи тизим сифатида ифодаланади.

Институционал инфратузилма эса бевосита хўжалик юритиш фаолиятини ташкил этиш, бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ҳамда давлатнинг ташкилий жиҳатларини ўз ичига олади.

Институционал инфратузилманинг вазифаси маълум хўжалик тизимида фаолият юргизаётган субъектларга яхши ва қўлай имкониятларида, уларнинг натижалари тенг самаралар берадиган ички ҳуқуқ - тарғибот асосларини ишлаб чиқаришдир.



1. Чизма. Инфратузилма турлари ва улар фаолияти йўналтирилган соҳалар ўртасидаги ўзаро алоқалар⁸

Изоҳ:

- — — — инфратузилма соҳаси;
- . . . — . . . инфратузилма хизмати йўналтирилувчи асосий соҳа ва тармоқлар;
- — — — — хар бир инфратузилма турининг фаолият чегараси.

Экологик инфратузилма бевосита табиатни, атроф - мухитни, атмосфера ифлосланишини олдини олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, инсоннинг табиатга ўтказадиган салбий таъсирини

⁸ Шодмонов Ш., Гафуров У. Бозор инфратузилмаси. Рисола. Тошкент, ТДИУ, 2003 -46 б

камайтиришга қаратилган давлат муассасалари, маҳаллий ҳокимият, муҳандислик иншоотлари, лабораториялар ва экология билан боғлиқ бўлган давлат, халқаро ва ижтимоий ташкилотларни ўз ичига олади.

Инфратузилманинг туркумланишини қўйидаги 1 чизмадан кўришимиз мумкин.

Шахсий инфратузилма ўзининг мазмунига кўра хориж иқтисодиётида қўлланилган товар хўжалигининг самарали фаолият юргизиш воситаси бўлган "ижтимоий умумий капитал" ёки жамиятда кишиларнинг маънавий тадбиркорлик, касбий ва бошқа фаолиятларини ташкил этувчи "инсон капитали" ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шахсий инфратузилма меҳнат тақсимланган товар хўжалигида иштирокчиларнинг, умум хўжалик фаолиятига интеграциялашувининг ошишини таъминловчи ва ишларини ҳисобга олган ҳолдаги сони ва сифатини қамраб олади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инфратузилма аҳамияти ўсиб бормокда. Инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишига оид илмий фикрларнинг ўз аҳамияти нуқтаи назаридан асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

-харажатлар тизими йўналиши инфратузилма хусусий капиталнинг фаолияти учун қўлай иқтисодий шарт - шароит яратишни мақсад қилиб қўйган бозор ривожланишининг умумий шароитлари тизими;

-институционал йўналиш инфратузилма ишлаб чиқариш ва истеъмолини боғловчи савдо - иқтисодий алоқаларини таъминловчи муомала соҳасининг ўзаро боғлиқликда ҳаракат қилувчи агентлар тизими тарзида талқин қилинади;

-маркетинг йўналиши бозорда товарларни айирбошлашга имконият яратувчи ва товар ҳамда хизматларга янги талабни вужудга келтирувчи фаолиятлар турининг мажмуи ҳисобланади;

-тақсимот йўналиши инфратузилмаси товарларнинг ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ҳаракат қилишини таъминловчи фаолият турлари мажмуи сифатида қаралади;

-логистик йўналиш бозор инфратузилмаси товарларининг ҳаракатини муомала жараёнида ахборот ва молия воситалари орқали оқиб ўтишдаги ҳаракатини таъминлайдиган моддий техника объектлари ва воситалари тизими ҳисобланади. Инфратузилманинг ушбу йўналишлари бевосита бозор иқтисодиётида инфратузилманинг тутган ўрни ва ролини тўлалигича очиқ боради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларларида ушбу йўналишларни таққослаш асосида таҳлил қилиш ва Ўзбекистон шароитига мос жиҳатларни инфратузилма шаклланиши ва ривожланишини илмий ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Инфратузилмани тадқиқ қилиш, уни назарий жиҳатдан алоҳида томонларини ўрганиш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- алоҳида бозор турларига хизмат қилувчи инфратузилма;
- инфратузилмасини комплекс ўрганиш.

Инфратузилманинг функционал белгиси такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашдаги ролини тўлиқ очиқ беради, яъни: савдо воситачилик, молия-кредит, иқтисодий-ахборот, иқтисодий-ҳуқуқий, ташқи иқтисодий кабиларни.

Тармоқ нуқтаи назаридан – савдо, таъминот, маҳсулотни сотиш, тайёрлов, молиялаш, кредит, суғурта, ахборот-ҳисоблаш, кўчмас мулк билан операциялар ва умумий тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган инфратузилма.

Бозорларга хизмат қилиш белгиси бўйича:

-турли бозорларга хизмат қилувчи универсал характерга эга бўлган умумбозор инфратузилмаси (тижорат банклари, суғурта компаниялари, маслаҳат, аудиторлик фирмалари, ахборот муассасалари ва ҳоказолар);

-алоҳида бозорларга хизмат қилувчи инфратузилма (истеъмол бозори, ишлаб чиқариш воситалари, молия ва кўчмас мулк бозорлари ва ҳоказолар).

-ҳудудий фаолияти бўйича:

-ҳалқаро (ҳалқаро банклар, биржалар, суғурта компаниялари, чет эл фирмалари ваколатхоналари, чет эл банклари филиаллари, ташқи савдо фирмалари, божхона ташкилотлари, ҳалқаро ярмаркалар ва ҳоказолар);

-миллий (Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Товар хом-ашё биржаси, Республика фонд биржаси, тижорат банклари ва ҳоказо);

-ҳудудлараро (ҳудудий товар биржалари, ҳудудлараро улгуржи савдо уюшмалари ва ҳоказо);

-ҳудудлар (вилоятлардаги улгуржи савдо, тижорат банклари, савдо уйлари ва ҳоказолар);

-шаҳар ва туманлардаги (улгуржи ва Кичик улгуржи, маркетинг, реклама фирмалари, адвокатлик идоралари, аудиторлик фирмалари ва ҳоказолар).

Мулк шакллари жиҳатидан:

-давлат, кооператив ва хусусий мулк шаклидаги инфратузилма;

-ижтимоий ташкилотлар мулкига тааллуқли бўлган инфратузилма (масалан, тижорат банклари уюшмаси, биржа иттифоқлари ва бошқалар);

-хорижий мулкдорларга тегишли бўлган инфратузилма (хорижий давлатлар банклари филиаллари, савдо корхоналари ваколатхоналари ва ҳоказо);

-аралаш мулк шаклидаги инфратузилма.

Ривожланиш даражаси бўйича:

-эски тизимдан қолган ва ҳозирги давр тижорат ва бизнеснинг ривожланиши муносабати билан тубдан ўзгартиришни талаб қиладиган инфратузилма;

-янги шакллантирилган инфратузилма;

-шаклланган ва ўзининг фаолияти доираси билан ҳозирги замон бозор талабларига жавоб берувчи инфратузилма.⁹

Ҳозирги кунда инфратузилма турлича таҳлил қилиниб келинмоқда. Тадқиқотчиларни инфратузилмани предмета бўйича уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ, бозор инфратузилмасини тармоқлар ва фаолият соҳаси йиғиндиси тарзида талқин этишади. Жумладан, бозор инфратузилмаси "тармоқлар, тармоқ ичидаги ва фаолият турлари мажмуаси бўлиб, унинг асосий вазифаси товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиб беришдир".

Иккинчи гуруҳда эса инфратузилма корхоналар, ташкилотлар ва идоралар мажмуаси" тарзида ифодаланади. Ушбу ёндашувга қўйидаги таъриф тўлиқ мос келади, яъни "инфратузилма бозорнинг пойдевори, товарлар ҳаракати ва алмашинуви жараёнлари учун хизмат қилувчи кенг камровли ва ўзаро боғлиқ корхоналар ва хўжаликлар шахобчаларидир".

Учинчи гуруҳ талқинига кўра, "инфратузилма бозор жараёнларини таъминловчи техник воситалар ва қурилмалар мажмуаси".

Инфратузилмани ўрганишда унинг икки жиҳатини бир-биридан фарқлаш зарур.

Бозорлар тизими фаолияти учун шароит яратувчи моддий - ашёвий ва иқтисодий салоҳиятни, яъни омборхоналар, иншоотлар, савдо майдонлари, биржа тижорат ва пул айланишига шароит яратишга қаратилган бозор субъектлари фаолияти борасадаги иқтисодий муносабатлар. Яъни, бозор амалий хулосалар, тавсиялар мавжудки, улар бевосита ўтиш даврида бозор инфратузилмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

⁹Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т., 2001, 55-56-б.

Президент И.А.Каримов, авваламбор, бозор шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро муносабатларни таъминлайдиган муҳит яратиш зарурлигини таъкидлаган ҳолда инфратузилмани яратиш биринчи даражали вазифалардан бири эканлигини таъкидлайди. Маъмурий бўйруқ бозлик тизимидан мерос бўлган иқтисодий муносабатлар механизминини бозор муносабатлари механизми билан алмаштириш ва шу асосда ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатлари муштараклигини таъминлаш, бунинг учун "билвосита хўжалик алоқаларини бир тамонлама ривожлантириш, товарлар сармоя, ишчи кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора - тадбирларни амалга ошириш, инфратузилмани вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлашдир¹⁰".

Ўтиш даврида стратегик жиҳатдан устивор йўналишларидан бири сифатида бозор хизмати тармоқларини шакллантириш ва изчил ривожлантиришни кўяди. Ривожланган бозор иқтисодиётига дават қиладиган тармоқлар — тижорат банклари тармоғини, замонавий банк солиқ тизими, аудит, суғурта воситаси ва биржа фаолиятни ривожлантиримаё туриб, ривожланаётган бозор сари аниқ қадам ташлаш мумкин эмаслигини кўрсатадики, ўтиш даврида бу йўналиш анча заиф бўлган бўлиб, инфратузилмани шакллантириш вазифасини ҳар томонлама тақозо этади.

¹⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби.Т., “Ўзбекистон” 2009. - 52 б.

1.3.Инфратузилманинг ўзига хос хусусиятлари

Инфратузилмасини таърифлашда, ривожланган инфратузилмага эга бўлган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги услубий ёндашувлар тавсия этилади:

1. Функционал - бу такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашдаги ролини тўлиқ очиб беради. Бўлар: Савдо воситачилик, молия - кредит, иқтисодий - ахборот, иқтисодий - ҳуқуқий, ташқи иқтисодий кабиларни.

2. Тармоқ - бунда савдо, таъминот, маҳсулотни сотиш, тайёрлов, молиялаш, кредит, суғурта, ахборот ҳисоблаш, кўчмас мулк билан операциялар ва умумий тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган инфратузилма.

3. Бозорларга хизмат қилиш белгиси - турли бозорларга хизмат қилувчи универсал характерга эга бўлган умумбозор инфратузилмаси (тижорат банклари, суғурта компаниялари, маслаҳат, аудиторлик фирмалари, ахборот муассасалари ва ҳакозо).

4. Худудий фаолияти бўйича:

- халқаро (халқаро банклар, биржалар, суғурта компаниялари, чет эл фирмалари ваколатхоналари, чет эл банклари филиаллари, ташқи савдо фирмалари, божхона ташкилотлари, халқаро ярмаркалар ва ҳ.).

- миллий (Савдо - саноат палатаси, республика деҳқон ва фермер хожаликлари уюшмаси, товар хом - ашё биржаси, Агробанк ва ҳ.).

- худудлараро (худудий товар биржалари, худудлараро улгуржи савдо уюшмалари ва ҳ.).

- худудлар (вилоятлардаги улгуржи савдо, тижорат банклари савдо уйлари ва ҳ.).

-шаҳар ва туманлардаги (улғуржи ва Кичик улғуржи, маркетинг, реклама филиаллари, адвокатлик идоралари, аудиторлик фирмалари ва бошқалар).

5. Мулк шакллари жиҳатидан:

- давлат, кооператив ва хусусий мулк шаклидаги инфратузилма;
- ижтимоий ташкилотлар мулкига тааллуқли бўлган инфратузилма;
- хорижий мулкдорларга тегишли бўлган инфратузилма;
- аралаш мулк шаклидаги инфратузилма.

6. Ривожланиш даражаси бўйича инфратузилма:

-эски тизимдан қолган ва ҳозирги давр тижорат ва бизнеснинг ривожланиши муносабати билан тубдан ўзгартиришни талаб қиладиган инфратузилма;

-янги шакллантирилган инфратузилма;

-шаклланган ва ўзининг фаолияти даражаси билан ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи инфратузилма.

Инфратузилма йириклаштирилган тарзда учта йирик товарлар ва хизматлар, капитал ҳамда меҳнат бозорларига хизмат қилувчи фаолият турларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ўтиш даврининг ҳозирги босқичида юқорида қайд этилган инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларини жорий этишда асосий вазифалардан бири сифатида тан олинмоғи лозим. Чунки, бу тўзилма кенг кўламда шаклланиши нафақат бозор муносабатларини ривожлантиришда, балки уннинг таъсирида иқтисодиётнинг барча моддий ишлаб чиқариш ирмоқларидан, айниқса қишлоқ хўжалиги ортиқча меҳнат ресурсларини кўшимча иш жойлари билан таъминлашда катта ўрин тутди.

Инфратузилманинг субъектларини уларнинг бажарадиган вазифасига қараб туркумлаш мумкин. Бўлар қўйидагача таснифланади:

- Тадбиркорликни тайёрлаш ва ўқитиш;

- Хусусий бизнесни рўйхатга ўтказиш ва ҳисобга олиш;
- Молия - кредит тизими;
- Улгуржи воситачилик тўзилмалари;
- Биржа бозорлари;
- Агрохизматлар бозори;
- Хизматлар бозори;
- Транспорт таъминоти;
- Ташқи иқтисодий алоқаларнинг таъминланиши.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уни жадал ўсиши учун кадрларнинг кудратли асоси керак. Республиканинг меҳнатга яроқли аҳолиси шундай асос ҳисобланади. Шу мақсадларда тадбиркорлик соҳасида ишловчи кадрларни тайёрлаш тизими ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Хусусий бизнес фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш ва таҳлил қилиш учун давлатнинг алоҳида органлари фаолият олиб боришади.

Инфратузилманинг улгуржи воситачи тўзилмалари ишлаб чиқариш ва бошқа истеъмол учун зарур бўладиган хом - ашё, товар ва материалларни етказиб бериш унинг савдоси билан шуғилланади. Бўларга концигнацион омборлар, омборхоналар, улгуржи дўконлар ва базаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Биржа бозорлари инфратузилманинг асосий элементи ҳисобланади. Агрохизматлар бозори - фермер хўжаликларини юқори навли қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари ва экиш материаллари билан ўз вақтида таъминланишига кўмаклашади, хўжаликларнинг илмий тадқиқот институтлари билан ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаларини қўллаб - қувватлайди. Айнан қишлоқ хўжалиги учун энг керак бўлган ушбу бозор фаолиятини ривожлантириш қишлоқ маҳсулотларини етиштиришни ўсишига олиб келади.

Хизматлар бозори - ҳозирги кунда жадал ривожланаётган тармоқ ҳисобланади. Ривожланган бозор иқтисодиётида хизматлар бозори асосий ишни бажаради. Хизматлар бозори таркибига уй - жой, соғломлаштириш ва туристик хизматларни, кбиринг идораларини, консалтинг - инжениринг, ҳуқуқий, ахборот - реклама хизматлари, лойиҳа - смета, илмий - тадқиқот ишлари ва бошқаларни олади.

Бозор иқтисодиётида транспорт таъминотининг роли катта. Чунки, товарни ташиш ва уларни эҳтиётлаб сақданиши каби вазифаларни шу тармоқ таъминлайди. Миллий маҳсулотларнинг четга чиқишига ҳам ушбу тармоқ хизматидан фойдаланилади. Бунинг таркибига автотранспорт корхоналарини, автотранспорт уюшмалари ва бошқаларини киритиш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳеч бир давлат ташқи иқтисодий сиёсатини олиб бормасдан иқтисодий тараққиётга эриша олмаслиги аниқ. Шунинг учун ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш зарур. Ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш тизими Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт - импорт операцияларида, ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ускуналар ва технологик линиялар харид қилишда хом - ашё, материаллар, жамловчи эҳиёт қисмлар етказиб бериш учун шартномалар тўзишида, шунингдек, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларга кўмаклашиш ва уларда иштирок этишда ёрдам кўрсатади. Мамлакатимизда қўйидагилар ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлаш билан шуғилланади: Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, бизнес алоқалар маркази, тадбиркорлар уюшмаси ва бўлимлари. Инфратузилмани бажарадиган вазифасига кўра туркумлаб ўрганиш ва субъектларни оддий ҳолда ўрганишда ва фаолиятини туғри қўйишда жуда қўл келади.

Ўзбекистон давлатининг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга мақсадли кириб бориши ва унда мустаҳкам ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан чет эл

сармояларини самарали жалб этишга ҳамда жаҳон андозалари талабларига мос келувчи инфратузилма муассасаларини ривожлантиришга боғлиқдир. Бозор шароитида асосий мақсад катта фойда олиш йўли билан ишчи ва хизматчиларнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини кўтариш мақсадида фаолият кўрсатадиган ҳар бир хўжалик юритиш субъекта, у ёки бу муоммони ҳал этишда инфратузилманинг қайси муассасаси ёки ташкилоти билан- муносабатда бўлишини аниқ белгилашлари унинг асосий, ваколат ва вазифаларини билишлари муҳим рол ўйнайди.

Инфратузилмани ривожлантириш босқичма - босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда инфратузилма ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиб боради ва жамиятдаги муоммоларни ҳал қилиб туради. Масалан, бир вақтнинг ўзида инфратузилма ишга қобилиятли одамларни ҳам, вояга етаетган меҳнатга яроқли ёшларни ҳам иш билан таъминлаб боради.

Инфратузилма кўп вариантли ҳисобланади, у қотиб қолган шаклда эмас, балки ҳаракатчан бўлади. Шунинг учун ҳам бизнингча инвестициялашнинг ҳоҳлаган усули, мулкнинг ҳоҳлаган шакли асосида уни ривожлантириш бўйича турли усуллари яратиш мумкин.

II.Боб. Инфратузилма фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш амалиётининг таҳлили

2.1. Тижорат банкларининг инфратузилма муассаса сифатидаги ривожланиш тенденциялари

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий иқтисодий тизимларда банкларнинг бўлишини тақозо қилади.

Президентимиз банк тизимининг ҳолатига тўхталиб қўйидаги фикрларни ҳам билдириб ўтади, “Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва хажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикаимиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади”¹¹.


Банк тизими- бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир. Худди пул ва молия тизими каби банк тизими ўзига ҳос миллий белгиларига эгадир. Шу белгилар шу ҳудуднинг, географик шартлари, об-хаво, аҳоли миллий тўзилиши, уларни нима билан машғуллиги, қушнилари билан муносабати, савдо йўллари ва омиллар асосида шаклланади.

Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта хажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайди ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб боради.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хужалигида мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади.

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Т.:Ўзбекистон, 2009 й.- 8 б.

Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга тўлайдиган фоиз билан жойлаштирилган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқ (маржа)дан иборат бўлади.



1.Расм. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари таркиби¹²

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли ҳил бўлиши мумкин. Банк тизими миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, банклар қўйидаги функцияларни бажарадилар:

- вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тулов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Тижорат банкларининг вазифалари қўйидагилардан иборатдир:

¹² Марказий Банк маълумотлари

-вақтинчалик буш пул маблағлари, жамғармалар ва йиғмаларни мужассамлаштириш,

-ҳисоб-китоб тулов механизми фаолият кўрсатишини таъминлаш, халқ хужалигида ҳисоб-китобини амалга ошириш ва ташкил этиш, тўлов муаммосини йўлга қуйиш,

-алоҳида хужалик бирликлари, юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш, ички ва ташқи хужалик айланмасига кредит молия хизматини кўрсатиш,

-векселларни ҳисобга олиш ва улар билан операциялар ўтказиш,

-молиявий ва моддий бойликларни сақлаш,

-мижозларнинг мулкани ишончли тарзда бошқариш (траст операциялар).

Тижорат банкларининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Молиявий воситачилик, ишлаб чиқарувчи, яъни банк мижозларининг топшириқномалари бўйича товарлар ва хизматлар учун туловларни амалга оширади. Яна кафиллик қилиш, яъни мижозларни қўллаб-қувватлаш, мижозларнинг мулкларини бошқариш ва химоя қилиш, иқтисодиётнинг ривожланишини тартибга солиб туриш ва ижтимоий мақсадларга эришишга қаратилган давлат сиёсатини ўтказиш вазифаларини бажарди.

Пул маблағларини жамлаш ва уларни ссуда қарзга бериш банкларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Туловларда воситачилик қилиш эса улар вазифаси доирасига муҳим иш саналади. Банклар пул маблағларини ўзида сақлашни марказлаштирар экан, мижозлар топшириқномаси бўйича етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб қилади, ғазна туловлар ҳамда корхоналарга касса хизматини амалга оширади. Бу вазифа банклар ўртасида ҳам, мижозлар ўртасида ҳам ҳисоб-китоб операцияларни амалга оширишдан иборат. Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда олиб борилади. Банкда ҳисоб-китоб хужжатларнинг кўриниши ва пул тўловчи ҳамда олувчи хужжатларнинг айланишини ташкил

этиш нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қўйидаги асосий шакллариини белгилаб беради: тулов талабномалари, тулов топшириқномалари, ҳисоб-китоб чеклари ва аккредетивлар.

Ҳисоб-китоб чекларидан қабўл қилиш топшириш ҳужжатларига биноан олинган товарлар, шунингдек, транспорт хизматларини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилади. Бу ҳисоб-китобнинг кафолати шаклларииндан биридир. Чек туловлари банк кредитлари ёки махсус тўзилган депозит йули билан таъминланади.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон молия соҳасининг бозор шароитига мослашувида энг жиддий тусиқлардан бири пул муомаласи ва нақдсиз муомаласига бўлинишидир.

Бундай бўлиниш ўтиш иктисодиёти мамлакатлари учун обектив ҳисобланади. Нақд пуллардан асосан аҳоли чакана савдода товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун фойдаланади. Корхоналар эса одатда меҳнат жамоаларига иш ҳаққи тулаш учун нақд пулларга бўлган эҳтиёжларини банкка асослаб бериши лозим. Шундай қилиб, аҳоли ҳам, корхоналар ҳам ўз пулларини банкка нақд қўйишлари мумкин, бироқ фақат аҳолигина нисбатан уни тезроқ қайтариб олиш имконига эга.

Нақд пуллар ва нақд пулсиз муомала ўртасидаги мавжуд чекланиш нархларнинг бўзилишига олиб келади, чунки корхоналар бир ва айнан уша хил товарни тулов қандай пуллар (нақд ёки нақдсиз) билан амалга оширишга қараб турли нархларга сотади.

Республиканинг ривожланган бозор муносабатларига равон, безарар кириб бориши бароварида нақд ва нақд пулсиз пуллар муаммоси ҳам барҳам топади.

Банкларнинг вазифалари уларнинг операцияларида амалга оширилади, бундай вазифалар ўзаро боғлиқ икки турга бўлинади: пассив (банк ресурсларини шакллантириш бўйича операциялар) ва актив (бундай ресурсларни жойлаштириш ҳамда фойдаланиш билан боғлиқ операциялар).

Банк ресурслари ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлардан вужудга келади. Ўзига тегишли маблағлардан одатда банклар тасаруфидаги барча ресурсларнинг фақат унча катта бўлмаган қисмини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми депозитлар ёки банкларнинг мижозларга қарашли омонатлардан иборат. Депозитларнинг муддатли ва талаб қилиб олинадиган турлари мавжуд. Муддатли депозитлар аввал белгиланган муддатга қўйилади, ҳамда фақат мана шу муддат ўтгандан кейингина банкдан олинади. Талаб қилиб олинадиган депозитлар-бу жорий ҳисоб-варақаларига қўйилган аксарият омонатлар бўлиб, уларни банк омонатчининг биринчи талаби биланоқ ёки унинг чеклари асосида бошқа шахсларга беришга мажбур.

Банкларнинг мамлакатнинг асосий пул массасини етказиб берувчи сифатидаги роли уларга жамият олдида катта маъсулият юклайди. Жамият банк системасининг тўловга лаёқатлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги борасида гумонга сабаб бўлмаслиги керак, жамғармачилар эса исталган банк ишончли эканлигига иймони комил бўлиши керак. Банк жамғармачилари ва унинг акция ушловчилари мақсадларини бир-бирига таққослаб бўлмайди. Шунинг учун банк ўз маблағларини жойлаштираётганида ҳал этадиган асосий масалалардан бири — бу ликвидлилик ва фойдалилик ўртасидаги муносабатдир. Бир томондан банк бошқаруви маблағларни қимматли қозғаларга жойлаштириш орқали юқори даромад олишга кўз тутаятган акциядорларнинг босимини ҳис этса, иккинчи томондан банк бошқаруви бундай фаолият банк ликвидлилигини сезиларли даражада ёмонлаштиришини, бу эса, жамғармачиларга ўз маблағларини ололмаслигини ва эски мижозларнинг кредитга бўлган талабини қондира ололмаслигини аниқ билади.

Банкнинг пассив операцияларига банк маблағларини шакллантириш бўйича амалга ошириладиган операцияларни, яъни маблағларни жалб қилиш бўйича операциялар киритилади, актив операцияларига эса ушбу маблағларни банк томонидан жойлаштирилиши бўйича амалга ошириладиган операциялар

киритилади. Банкнинг ҳам пассив, ҳам актив операциялари бир мақсадга максимал фойда олиш мақсадига йуналтирилган бўлади. Бу борада банк жалб қилаётган маблағларни минимал нархда сотиб олиш ва уларни жойлаштиришда максимал нархларда сотиш стратегиясини қўллашга ҳаракат қилади. Актив ва пассивларнинг турлари бўйича уларнинг бозордаги нархлари хилма-хил бўлгани сабабли, банкларнинг ҳам пассивлари портфели ҳам активлари портфели турли моддалардан ташкил топган бўлади.

Баланс ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот банк ихтиёрида бўлган актив ва пассивлар мажмуини ўзида акс эттиради.

Баланс активларига қўйидагилар киради: хазинадаги нақд пуллар ва бошқа депозит муассасаларидаги депозитлар, очиқ бозорда сотиб олинadиган давлат ва хусусий фойзли қимматбаҳо қозғалар, истеъмолчиларга тақдим этиладиган кредитлар ва иккинчи даражали активлар. Пассивлар эса иккита муҳим категорияларга бўлинади: турли истеъмолчиларга тегишли бўлган депозитлар ҳамда пул ва капитал бозорларидаги нодепозит қарздорликлар.

Банк активлари таркибига ҳозирги дунё амалиётида нақд пуллар, банк инвестициялари, банк томонидан берилган кредитлар, тижорат банкининг Марказий банкдаги маблағлари, тижорат банкининг бошқа банклардаги маблағлари, қимматбаҳо қозғаларга қўйилмалари ҳамда мижозларнинг акцепт бўйича мажбуриятлари киритилади.

Банк молиявий ҳолати тўғрисидаги биринчи актив бўлиб, нақд пул ва «ностро» счёtlаридаги депозитлар ҳисобланади. Банкларнинг нақд пулларига кассадаги маблағларни ва унга тенглаштирилган маблағларни киритилади. Уларни ўзида акс эттирувчи моддани купинча биринчи даражали резерв деб ҳисоблашади. Бу шуни англатадики, берилган актив депозитлар олиб қўйилиши ҳолатида, биринчи «химоя линияси» бўлиб, ҳамда банкка тусатдан кредит олиш сурови билан мижоз келганда, ва, банк бу суровни қониқтиришни лозим топганда, бу модда — маблағларнинг биринчи манбаси бўлиб ҳисобланади. Одатда банк бу моддани унча юқори бўлмаган даражада сақлаб туришга

интилади, чунки нақд пуллар захираси қисман ёки умуман фоиз даромад олиб келмайди.

Нақд пулга бўлган талабни қондириш учун иккинчи «химоя линияси» бўлиб, ва маблағларнинг тез мобилизациялашувини таъминловчи капитал қўйилмалар - ликвид қимматли қоғозлар ҳисобланади. Бу моддани одатда иккинчи даражали резервлар деб белгиланади. У ўзида одатда қисқа муддатли давлат қимматли қоғозларига қўйилмаларни, шунингдек, пул бозорларидаги қимматли қоғозларни, бошқа банклардаги фоизли муддатли депозитлар ва тижорат қимматли қоғозларни ўзида жамлайди. Иккинчи даражали резервлар нақд пул ва кредитлар уртасида оралиқ ҳолатни эгаллаб, банкни маълум даромад билан таъминлайди, лекин банк уларга маблағларни жойлаштиришидан асосий мақсад, уларни қисқа вақт ичида нақд пулга алмаштириш мумкин.

Банк томонидан, аввало, даромад олиш мақсадида ушлаб туриладиган облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни инвестицион қимматли қоғозлар деб юритилади. Инвестицион қимматли қоғозлар банк ҳисоб дафтарларида уларнинг бошланғич қиймати, бозор қиймати ёки номинал ёки бозор қийматидан паст қийматда расмийлаштирилиши мумкин. Купчилик банклар сотиб олинган қимматли қоғозларни, ҳамда бошқа активларни ва пасивларни уларнинг бошланғич қиймати билан расмийлаштирилади. Табиийки, агар фоиз ставкалар қимматли қоғозлар сотиб олингандан кейин кутарилса, уларнинг бозор қиймати бошланғич қийматидан паст бўлади. Шунинг учун, банклар қимматли қоғозларни бошланғич қиймати бўйича балансга киритишаётганда уларнинг жорий бозор қийматини қавс ичида кўрсатиб утадилар.

Муболағасиз, банкнинг йирик активи бўлиб кредитлар ҳисобланади, одатда уларга бутун активлар қийматининг ярмидан то тўртдан уч қисмигача туғри келади. Маблағларни турли кредит операцияларига жойлаштираётган банк бошқаруви мижознинг кредитга бўлган талабини қондириш билан бирга

даромад олишни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблайди. Маълум кредит битимининг ликвидлилик даражаси иккинчи даражали аҳамиятга эга.


Шунингдек, банк бошқаруви маблағларнинг «кредит портфели» ичида тақсимланиш масаласини ҳам ҳал этиши лозим, яъни муддатли харидларни, савдо саноат компанияларини, кучмас мулк ва бошқаларни кредитлаш каби турлари ўртасида амалга оширилади. Бундай тақсимланишнинг асоси бўлиб кредитларнинг нисбий даромадлилиги, шунингдек, турли кредитларга бўлган талаб ҳисобланади.

Шунингдек, банк ҳисоб дафтарларида амал қилмаётган кредитлар деган категория мавжуд. Бу кредитлар банкка фоиз даромад келтирмайдиган кредитларга киради. Тартиблаш ва назорат қилиш жорий қоидаларига асосан, кредит бўйича тулов ўрнатилган графикка нисбатан 90 кундан куп ушлаб қолинса, бу кредит амал қилмаётганлар категориясига киритилади. Кредит амал қилмаётган деб ҳисобланса, ҳисоб дафтарларида қайд қилинган ва ҳисобланган, лекин амалда олинмаган фоизлар кредит фаолиятидан келган даромадлардан чегирилади.

Йирик банклар мижозларига кредитнинг акцептларни молиялаштириш шаклини кўзда тутди. Бу учун ишлатиладиган маблағлар миқдори активнинг мижозларнинг акцепт бўйича туланмаган мажбуриятлари бўлимида ҳисобга олинади. Бу модда пассивдаги туланмаган акцептлар моддаси билан мос тушади. Бу моддалар, агар банк мижозга ҳориждан товарлар импорти учун ёрдам қилиб, мижозни кредитлашни қўллаб қувватлаган тақдирда ушиб боради. Ҳозирги кунда банк акцептлари ҳалқаро савдони молиялаштириш, ҳорижий валютани сотиб олиш ва, ҳаттоки, товарлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатиш ва мамлакат ичида сақлашда кенг қўлланилмоқда.

Банк активларига, шунингдек, иморат ва ускуналарнинг соф қиймати, шуъба фирмаларга инвестициялар, суғурта полисларнинг олдиндан тулови ва бошқа нисбатан аҳамиятсиз позициялар киради.

Бўларни одатда даромад келтирмайдиган активларга киритилади. Материал маблағлар қиймати, яъни қайд этилган активлар, одатда, банк активларининг кам қисмини ташкил этади.



2.Чизма. Умумий маблағлари ёрдамида активларни бошқариш¹³.

Юқорида кўриб утилганидек, банк активларининг асоси бу молиявий талаблардир (кредитлар ва қимматли қоғозлар), уларга қайд этилган активлар кирмайди. Бирок қайд этилган активлар билан амортизация харажатлари, мулк солиғи ва хоказо шаклидаги қайсид этилган операцион харажатлар боғлиқдир. Одатда банклар муайян регионда муайян иқтисодий

¹³ Питер С. Роуз. Банковский менеджмент. М.: “Дело ЛТД” 2008.154б.

қатламларни легал бизнес ва истеъмолчиларга мавжуд қонунлар билан асосланган фоиз ставкалари бўйича кредитлар такдим этиш учун ташкил қилинади, деб саналади. Ҳақиқатда ҳам, банкларнинг асосий иқтисодий функцияси бўлиб, бу билан улар ишбилармонлар қатламлари, жисмоний шахслар ва давлат корхоналарининг истеъмол ва инвестицион мақсадларини молиялаштирадилар.

Актив операциялар ва пассив операциялар ўртасида ўзаро алоқа мавжуддир. Ликвидлиликни қассанинг нақдлилик даражасини юқори даражада сақлаб, ёки маблағларни юқори ликвидли активларга жойлаштириб, шунингдек, банкка қўшимча қўйилмалар жалб қилиш ва бошқа манбалардан пул қарзга олиш имкониятини кафолатлаш орқалигина таъминлаш мумкин. Қўйилмалар суммасининг ўзгариб туриши, қарзларни муддатдан олдин қоплаш талаби ҳам ликвид активларни кўпайтириш зарурлигини шарт қилиб қуяди.

Юқорида келтирилган 2-чизмадан кўриниб турибдики, тижорат банк бошқарувчиси жойлаштирилиши учун жавобгар бўлган маблағлар турли манбалардан: талаб қилиб олингунча қўйилмалар, жамғарма, муддатли қўйилмалар, шунингдек, банк ўз капиталидан шаклланади. Банк маблағларини турли активларга жойлаштириш юқори ликвидлик даражасини ушлаб туриш ва маълум юқори даромад олиш эҳтиёжини белгилаб берувчи мавжуд қонун ва тартибга солувчи актлардан келиб чиқади. "Ликвидлилик—даромадлилик" дилеммасини ечиш уринишлари активларни бошқаришда 3 усулни келтириб чиқарди. Бу усуллардан бирортасини ҳам идеал деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки уларнинг ҳар бирининг диққатга сазовор ҳамда камчилик томонлари мавжуд. Ҳар бир усулда алоҳида тижорат банкининг аниқ муаммоларини ечиш учун қўллаш мумкин бўлган элементлар мавжуд. Қўлланиш нуктаи назаридан энг содда бўлган усул — бу умумий фонд маблағлари усулидир. Бу усулни купгина банклар маблағлари куп бўлган даврда қўллайди. Кўриб чиқиладиган усул асосида бу ресурсларни бирлаштириш гоёси ётади. Сунгра маблағлар туплами мос

ҳисобланган активлар турлари (ссудалар, давлат қимматли қоғозлари, касса нақд пули ва хоказо) уртасида тақсимланади.

Ушбу усулда маълум актив операцияни амалга оширишда маблағлар қайси манбадан келиб тушганлиги аҳамият касб этмайди, агарда уларнинг жойлаштирилиши банк ўз олдига қўйган мақсадларга эришишига ёрдам берса. Бу усул банк бошқарувидан ликвидлилик ва даромадлилик принципларининг тенг амал қилишини талаб этади. Шунинг учун маблағлар шу принципга мос келадиган актив операциялар турларига жойл аштирил ади.

Маблағларни жойлаштириш оператив бўлим бошлиқларига ликвидлилик ва даромадлилик нисбатлари муаммоларини хал этишга кумак берувчи маълум устуворликлар асосида амалга оширилади. Бу устуворликлар банк ихтиёридаги маблағнинг қайси қисми даромад келтириш учун биринчи ёки иккинчи галдаги резервларга жойлаштирилиши, ссуда ёки қимматли қоғозлар сотиб олишга ишлатилишини кўрсатиб беради. Маблағларни ер участкаларига, иморат ва кучмас мулкка инвестициялаш одатда алоҳида кўриб чиқилади.

Иккинчи усулнинг вужудга келиши — активларни тақсимлаш ёки маблағларни конверсиялаш (asset allocation or conversion of funds approach) — биринчи усул баъзи камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ. Юқорида кўрсатиб утилганидек, умумий фонд маблағлари позициясидан маблағларни жойлаштиришда хаддан зиёд диққат ликвидликка берилиб, талаб қилингунча қўйилмалар, жамғарма қўйилмалари, муддатли қўйилмалар ва асосий капитал бўйича ликвидликка бўлган талаб ҳисобга олинмайди. Бу вақт ичида талаб қилингунча қўйилмаларга нисбатан камроқ ликвидликни талаб этувчи муддатли ва жамғарма қўйилмалар юқори суратлар билан ушиб борди. Активларни тақсимлаш усули умумий фонд маблағлари усули камчилигини енгиш имконини беради. Бу усул банкка зарур бўлган ликвид маблағлар миқдори фондларни жалб қилиш манбаларига боғлиқлигини белгилаб беради. Бу усул оркали маблағлар манбаларини мажбурий резервлар ва уларнинг айланиш тезлиги нормаларига мос чегаралашга ҳаракат қилинади. Бу усулнинг асосий

устунлик тарафи—бу ликвид маблағлар ва ссудалар ҳамда инвестицияларга қушимча маблағлар қўйиш кисмининг кискартирилиши ва бунинг натижасида фойда нормасининг кутарилишига олиб келишидир. Активларни тақсимлаш усулининг тарафдорлари фикрича, фойда нормасининг ошиши ошкча ликвид активларни бартараф этиш ҳисобига амалга оширилади.

Лекин бу усул ҳам унинг самарадорлигини пасайишига олиб келадиган камчиликларга эга. Унинг камчиликларидан бири-бу усул маблағлар манбалари уларни қайси йулда қўллашдан катъий назар, мустақил деб таъкидлайди, амалда эса бундай эмас. Масалан, банкир-амалиётчилар ишчан фирмалардан куп қўйилма жалб қилишга ҳаракат қиладилар, чунки бу фирмалар ҳам одатда шу банкдан карз олади. Бундан шу келиб чиқадики, янги қўйилмаларни жалб қилиш билан биргаликда банк янги қўйилмачилар томонидан бўлган кредит заявқаларининг бир кисмини қониқтириш мажбуриятини олади.

Бу эса янги қўйилмаларнинг бир кисми шу қўйилма эгаларини кредитлаш учун йуналтирилиши кераклигини англатади.

Уларнинг қарор қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилувчи норматив йуриқномалар сифатида эмас, балки активларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ечиш усуллари аниқлашда банк бошқарувига ёрдам берувчи умумий схема чегарасида қараш керак

Бошқариш ва таҳлил қилишнинг учинчи усули илмий усуллар, шуниндек ЭХМни қўллаш билан боғлиқ. Илмий бошқариш усули уч саволни ечишга ҳаракат қилади: "муаммо асоси нимада?", "уни ечиш вариантлари қандай?", "қайси вариант энг яхши?".

Бу усул нисбатан мураккаб математик усуллар ва ЭХМ орқали бошқариш муаммоларига ёндашишни талаб этади.

**Банкнинг молиялаштириш
таркиби**

Банк маблағлари
(манбалари бўйича):

Талаб қилингунча
Қўйилмалар

Жамғарма
Қўйилмалар

Муддатли
Қўйилмалар

Акционерлик
капитали ва
Резервлар

**Банк активлари
таркиби**

Банк маблағлари
(йуналтирилиши бўйича):

Биринчи
даражали
резервлар

Иккинчи
даражали
резервлар

Ссудалар

Бошқа
қимматли
қоғозлар

Иморат ва
ускуналар

**3.Чизма. Активларни тақсимлаш модели ёрдамида активларни
бошқариш¹⁴**

¹⁴ Питер С. Роуз. Банковский менеджмент. М.: “Дело Лтд” 2008.154б.

2.2. Тижорат банклари хизматлари бозорининг ривожланиш таҳлили

Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пулларини жалб қилиш орқали катта хажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб боради.

Банк фаолияти халқ хужалигида мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга тўлайдиган фоиз билан жойлаштирилган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқ (маржа)дан иборат бўлади.

Банклар бажарадиган функциялар уларнинг бажарадиган вазифаларига қараб турли ҳил бўлиши мумкин. Банк тизими миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, банклар қўйидаги фуқцияларни бажарадилар:

- вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва капиталга айлантириш;
- кредит муносабатларида воситачилик қилиш;
- тулов жараёнларида воситачилик қилиш;
- муомалага кредит воситаларини чиқариш.

Халқ хўжалигида вақтинча бўш турган маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш — банкларнинг илк функцияларидан бири ҳисобланади. Бу функциянинг амалга оширилиши натижасида бир томондан, ҳукукий ва жисмоний шахслар жалб қилинган маблағлари бўйича маълум миқдорда даромадга эга бўладилар, иккинчи томонидан, бу маблағлар банкларнинг кредитлаш қудратини ташкил қилади ва шу ресурсларга асосланган ҳолда банклар ссуда операцияларини олиб борадилар.

Вақтинча бўш маблағлар банклар иштирокисиз бир корхона томонидан иккинчи корхонага вақтинча фойдаланишга бериладиган бўлса, бу муносабатларни ташкил қилишда қийинчиликлар юзага келиши мумкин:

- кредитга сўралаётган сумма билан кредитга берилиши мумкин бўлган сумма ўртасида номуносивиблик бўлиши;

-ортиқча бўш маблағга эга бўлган корхонанинг маблағларини вақтинча фойдаланишга берадиган муддати маблағ зарур бўлган корхонани кониқтирмаслиги;

-банклар иштирокисиз корхоналани тўғридан тўғри кредитлашда қарз берувчи қарз олувчи корхонанинг молиявий аҳволини тўлиқ ўргана олмаслиги мумкин. Қарз олувчининг тўловга лаёқатсиз бўлиши кредитор корхонанинг қам молиявий аҳволининг ёмонлашувига ва бошқа салбий ҳолларга олиб келиши.

Халқ хужалигида барча бўш пул маблағларининг банк томонидан йиғилиши натижасида вужудга келадиган кредит ресурслари ҳисобидан қарз олувчи корхонага зарур бўлган суммада, зарур бўлган муддатда кредит беришга имконият яратилади. Ундан ташқари банк корхоналарнинг тўловга лаёқатлилигини ҳар томонлама таҳлил қилиши, уларнинг молиявий аҳволини яққолроқ баҳолаб бера олиши мумкин.


Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш қўламини кенгайтириб бѐради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки ўзоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади.

Тўловларда воситачилик функциясида банклар ўз мижозларининг топшириғига асосан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисоб варақларига маблағларни қабўл қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблағларини беради.

Ҳисоб-китобларнинг банк орқали олиб борилиши муомала ҳаражатларининг камайишига олиб келади. Мижоз мамлакат ичида ва бошқа мамлакат билан қийинчиликсиз ўз маблағларини банк орқали ўз ҳисоб варақасидан бошқа корхона ҳисоб варақасига ёки бошқа мамлакат банкига ўтказиши мумкин.

Муомалага кредит воситаларини чиқариш. Банк кредитининг манбаи фақат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Ундан ташқари, кредит ёрдамида муомалага нақд пуллар – банкнотлар чиқарилади. Банк кредит пуллар чиқариш депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради. Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ 2008 йилда тижорат банклари устав капиталига қарийб 650 млрд. сўм йўналтирилди;



2-Расм.Тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар хажми

Ўтган давр мобайнида чет эл сармоясини жалб этиш, хорижий молия ташкилотлари томонидан очилган кредит линияларини ўзлаштириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

2009 йилда аҳолининг банклардаги депозитлари 39 фоизга ошиб, 2010 йил 1 январ ҳолатига 1644 млрд. сўмни ташкил этди. Миллий валютадаги

депозитларнинг умумий суммасида аҳолининг муддатли ва жамғарма депозитлари улуши 80 фоизгача ўсди.¹⁵

Банк тизимида олиб борилаётган кредит сиёсати иқтисодиётнинг реал секторини, айниқса, Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаш тиришга йўналтирилган. Жумладан, 2010 йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига миллий валютада берилган кредитлари қолдиғи 22 фоизга ошди. Ўзоқ муддатли кредитларнинг умумий кредитдаги улуши ўсиш тенденциясини сақлаган ҳолда 81 фоизни ташкил қилиб, 4987,2 млрд. сўмга етди.

Шунингдек, Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги, жумладан кредит беришда талаб қилинадиган ҳужжатлар соддалаштирилиб сон жиҳатидан қисқартирилганлиги тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларининг тубдан яхшиланишига ва ажратилаётган кредитларнинг ошишига олиб келди.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига тижорат банкларининг ўз маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан жами 1250,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, 2008 йилга нисбатан ўсиши 168,2%ни ташкил этди

Ушбу кредитлар тижорат банкларининг ўз маблағлари, хорижий кредит линиялари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Кичик бизнесни қўллаб қуватлаш ўз навбатида ушбу соҳадаги иш жойи яратилишига замин яратди. Хусусан, 2010 йилда Кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига жами 101330 та янги ишчи ўринлари яратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

Бу борада республикамиздаги банкларнинг 2010 йил учун истиқбол кўрсаткичларини 1–жадвал орқали кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистонда 2010 йилда Кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан хусусий маблағларнинг ажратилиши¹⁶

Банклар номи	Миқдори, млн. сўм
Миллий банк	53434
Тадбиркорбанк	10964
Агробанк	10928
Асакабанк	13934
Саноатқурилишбанки	11026
Ипотекабанк	11488
Савдогарбанк	5535
Қурилишбанк	2986
Ҳамкорбанк	3037
Ипак йўли банки	3813
Туронбанк	2779
Алоқабанк	2506
Трастбанк	810
Бошқалар	6534
Жами	159626

Банк хизматлари бозорига тобора шахдам одимлар билан кириб келаётган банкдан ташқари тўзилмалар билан рақобатнинг кучайиши. Жумладан, аҳолига кредит карточкалари билан хизмат кўрсатиш соҳасида турли хилдаги тижорат тўзилмалари фаолият кўрсата бошлайди.

Банк хизмати соҳасида бу каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириб бориш аввало банк тизимининг, қолаверса иқтисодиётнинг қолган жабҳаларининг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шу ўринда, хўжалик юритувчи субъектларни банкларнинг хусусий маблағлари билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади.

Банк хизмати соҳасининг самарадорлигини ошириш, айниқса, хусусий банклар тармоғини фаоллаштириш Ўзбекистонда инфратузилмани

¹⁶ Ўзбекистон республикаси марказий банки маълумотлари

ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида майдонга тушади. Чунки, давлат ҳамда акциядорлик-тижорат банклари фаолиятдан фарқли ўлароқ, хусусий банкларнинг тараққиётида маълум муаммоли ҳолатлар кўзга ташланади.

Хусусий банклар низом капиталларининг салмоқли эмаслиги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этишларини чеклаб, ривожланишларига тўсқинлик қилар эди. Шунга кўра, ҳозирда кўплаб хусусий банклар низом капиталини кўпайтиришнинг икки йўли – акциялар эмиссиясини амалга ошириш ёки бошқа банклар билан бирлашиш орқали фаолият кўламини йириклаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Банк хизмати соҳасида бу каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириб бориш аввало банк тизимининг, қолаверса иқтисодиётнинг қолган жабҳаларининг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шу ўринда, хўжалик юритувчи субъектларни банкларнинг хусусий маблағлари билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади.

Бироқ, фақат миллий банкларнинг хусусий маблағларидан кредитлаш манбаи сифатида фойдаланиш бугунги кунда иқтисодиётимизнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондира олмайди. Шунга кўра, банкларнинг яна бир муҳим вазифаси - хорижий кредит линияларини ўзлаштириш орқали тадбиркорларимизнинг кредитга бўлган эҳтиёжларини қондириш шароитларини таъминлашдан иборат. Тўғри, бу борада вазият кўпроқ хорижий кредиторлар ва кредит олувчи субъектларга боғлиқ бўлади. Бироқ, мазкўр жараёни тўғри ва самарали ташкил этиш, хорижий кредиторларнинг ишончли ва истиқболли ҳамкорига айланиш, кредит олувчиларнинг имконият ва салоҳиятини тўғри баҳолай билиш ва бошқа кўп жиҳатлар миллий банк муассасаларимизга боғлиқ бўлади.

2.3. Иқтисодийни модернизациялашда инфратузилма фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодийни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёни ҳамда рақобатчиликка асосланган бизнес муҳит шароитида давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилаётган хўжалик субъектлари корпоратив корхоналар фаолиятини самарали бошқаришни таъминлаш ва уларнинг фаолият самарадорлигини янада оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу корхоналарни бошқариш Ўзбекистонда нисбатан янги ҳисобланувчи корпоратив бошқарув механизмини шакллантириш ва уни ривожлантириш юзасидан кенг қамровли изланишлар олиб боришни талаб этади.

Мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш жараёни рўй бераётган ҳозирги пайтда банк тизимини ислоҳ қилиш, банк хизмати соҳасида рақобатчилик муҳитини юзага келтириш, банкларнинг активларини мустаҳкамлаш ва таъсисчилар иштирокини фаоллаштириш орқали уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун эндиликда тижорат банкларини хусусийлаштирилишини ва акциялаштирилишини таъминлаш, банк устав ж Банк соҳасида корпоратив бошқарув тажрибасини кенг жорий этиш муассислар доирасини кенгайтириш орқали, аввало хорижий сармоядорлар томонидан банклар устав капиталига қўшимча маблағлар жалб этиш имконини беради. бундан ташқари, корпоратив бошқарув иқтисодийнинг реал (ишлаб чиқариш) соҳасига хизмат кўрсатиш ва кредит ажратиш бўйича банкларнинг аҳамиятини кўтариш, уларнинг инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги шерикчилик муносабатларини мустаҳкамлаш имконини беради.

Ўзбекистон республикаси тижорат банклари фаолиятида корпоратив бошқаришни такомиллаштириш мақсадига эришиш учун қўйидаги масалаларни изчил ҳал этиш зарур ҳисобланади:

- банк соҳасида корпоратив бошқарувни амалга оширишнинг назарий асослари ва хусусиятларини ўрганиш;

- хорижий тижорат банклари иш фаолиятида корпоратив бошқарувдан фойдаланиш тажрибасини таҳлил этиш;

- республика банк соҳасида корпоратив бошқарувнинг бугунги кун ҳолатига баҳо бериш;

- акциядорлик тижорат банклари фаолиятига корпоратив бошқарувни жорий этиш йўлидаги муаммоларни аниқлаш;

- республика тижорат банклари иш фаолиятига корпоратив бошқарувни татбиқ этишни жадаллаштириш йўллариини белгилаш;

- банк соҳасида корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва мазмунини умумлаштириш;

Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив бошқарув қўлланишининг ўзига хос томонларини аниқлаш;

- тижорат банклари дивидент сиёсатидаги муҳим камчиликларни очиш; актив ва пасив операцияларни асослаш;

- акциядорлик банкларида корпоратив маданиятни ривожлантириш йўллариини ўрганиш.

Банк корпоратив бошқарувининг жаҳон тажрибасида тўпланган умумий жиҳатлари банк назорати бўйича Базель қўмитасининг 2009 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Кредит ташкилотларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш” тавсияларида ўз ифодасини топди.

Фикримизча, акциядорлик тижорат банклари фаолиятининг шаффофлиги даражасини оширишда “Ахбор-рейтинг” компанияси муҳим ўрин тутиши зарур. Зеро Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциацияси томонидан банкларни молиявий барқарорлигига мунтазам баҳо бериб бориш тизимини

ишлаб чиқиш ва уларнинг рейтингига оид маълумотларни нашр этиш мақсадида иш юритувчи махсус агентлик тарзида тўзилган. 1997 йилда банкларнинг ишончилигига баҳо беришнинг мамлакатимиз банк тизимининг ўзига хос томонларини ҳисобга олувчи рейтинг услубияти ишлаб чиқилди, синаб кўрилди ва малакали тарзда ҳимояланди. “Ахбор-рейтинг” ҳар чоракда республика тижорат банкларини рейтинг ишларини ўтказиб турибди, 1998 йилдан бошлаб рейтинг натижалари матбуотда очиқ эълон қилиб борилмоқда.

Қўйидаги жадвалда “Турон” ОАТБнинг активлари таркибини кўришимиз мумкин. Ушбу жадвал маълумотларидан келиб, шуни айтишимиз жоизки, аҳоли сотилган қимматли қоғозлари 2010йил 1январ ҳолатига 11.1сумни ташкил этган бўлса, ўтган йили шу муддатда унинг ҳажми 10,9сумни ташкил этган эди. Ушбу банкнинг юридик шахслар фаолиятига кўйган инвестицион маблағлари ҳажми 2009йилда жами 4.8млрд.сумни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010йилда 8.6сумни ташкил этди. Банк миқдорларига берилган кредитлар жами 2009йили 904,2млрд.сумни ташкил қилган бўлса, 2010йилга келиб 1230,4 млрд.сумни ташкил этди.

Компания мутахассислари томонидан бозор қатнашчиларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини, халқ хўжалиги тармоқлари ва ҳудудларини баҳолашни ўтказиш, таҳлил қилиш ва башорат этишнинг янги технологиялари ишлаб чиқилди. Банк томонидан қўйидаги услубиятлар ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилмоқда: банклар ва уларнинг бўлинмалари рейтинг услубияти; корхоналар ва тармоқлар рейтинг услубияти; ГАТ (ҳудудий тармоқ объектларни назорат қилишнинг географик-ахборот тизими); ДҚМО бозори параметрларини башорат этиш услубияти; валюта кўрсаткичлари, товарлар баҳолари ва бошқа иқтисодий-молиявий жиҳатларни башорат қилиш услубияти.

“Турон” ОАТБ республиканинг етакчи тижорат банкларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хорижий капитал жалб этиладиган йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиради ва кредитлайди, шунингдек чакана хизматларни кўрсатади. Банк ривожланишининг асосий йўналишлари-иқтисодиётнинг таркибий ислохотларида кенг кўламли иштирок этиш,иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқаришни янгилаш, реконструкция қилиш, техник ва технолгик қайта жиҳозлашга оид инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, ресурслар базасини динамик кўпайтиришдир.

2-жадвал

“Турон” ОАТБнинг активлари тузилиши¹⁷ (млрд.сўмда)

Модда	01.01.2009	01.01.2010
Нақд пуллар ва бошқа хил касса ҳужжатлари	31,1	26,5
ЎзР МБдаги пул воситалари	202,	146,3
Бошқа банклардаги воситалар	113,1	70,2
Қимматли қоғозлари	10,9	11,1
Мижозларга берилган қарзлари	904,2	1230,4
Инвестициялари	4,8	8,6
Асосий воситалари	30,9	32,6
Бошқа активлари	162,7	125,7
Жами:	1459,8	1651,4

Инвестициявий салоҳиятни, капиталлаштириш даражасини доимий ошириб бориш ва молиявий ресурслар манбаларининг диверсификацияси фаол операциялар кўламини кенгайтириш ва кредиторлар, депозиторлар ва

¹⁷ “Турон” ОАТБ маълумотлари

инвесторлар олдидаги мажбуриятларининг ўз вақтида тўлиқ бажарилиши учун асосий омил бўлади.

Банк баланс ликвидлиги ҳолатига юксак эътибор беради, шошилинич жорий ва ўзоқ муддатли ликвидлик меъёрларини мунтазам бажаради, шунинг учун активлар таркибида, кассада ва Марказий банкда пул маблағлари шаклидаги молиявий ресурслар катта ҳажмга эга – 172,8 млрд.сўм.

“Турон” ОАТБ 2009 йилда кенгайишда давом этган миқдор базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият берди. жумладан хусусий, қўшма, халқаро корхоналар, шунингдек жисмоний шахслар-тадбиркорларга хизмат кўрсатилади. Банкда турли тармоқлар ва мулк вақлларидаги хўжалик идораларига хизмат кўрсатилди, улардан энг аҳамиятлилари нефть ва газ саноати, республиканинг кимёвий, машинасозлик, қурилиш ва энергетик мажмуаларининг корхоналари, йирик транспорт ва савдо корхоналаридир.

2011 йил 1 январга келиб “Турон” ОАТБнинг тизимида хусусий миқдорларнинг сони 958 мингдан ортиди

2009 йилда “Турон” ОАТБ бир қатор халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорликни давом эттирди. банкнинг муваффақиятли фаолияти машҳур халқаро рейтинг агентликлари ва молиявий-таҳлилий нашрлар мунтазам эълон қиладиган обрўли рейтинг-варақларида ўз аксини топди. “Fitch Ratings” ва ”Standart&Poors” агентликлари Банкка рейтинг кредит лаёқатининг барқарор ва истиқболли прогнозлари бўлган даражасини белгилаган.

“Турон” ОАТБ 14 дан ортиқ хорижий вақил банкларга эга. Тижорат банклари самарали фаолият кўрсатишининг энг муҳим омилларидан бири уларнинг молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини ва ҳаққонийлигини таъминлашдан иборатдир. Шу боис, ички аудит тизимини ва банк назоратини ривожлантириш билан бирга, республикада ташқи аудит аҳамиятини, айниқса банклар фаолиятини мустақил оммавий баҳолаш тизимини кучайтириш зарур.

Бунда тижорат банклари атрофида тараққий топган молиявий-инвестиция инфраструктураси шаклланиши зарурлигини ҳам ҳисобга олиш керак, негаки у акциядорлар ёки эҳтимолдаги сармоядорлар учун банк фаолияти шаффофлигини ҳамда менежерлар, ходимлар ва мижозлар учун малакали хизмат кўрсатишнинг диверсификацияланган муштараклигини таъминлайди, бу эса ўз навбатида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигига замин яратади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни, айниқса, банкни самарали бошқариш асосида, аввало, инсон омилини мужассам ифодаси ётганлигини ҳисобга олинса, Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг ривожлантириш ишида уларнинг муассислари, менежерлари ва барча ходимларининг малакасини юксалтириш, бу ерда мулкчиликнинг мазкўр кўринишининг муҳим ва ўзига хос хусусияти бўлмиш янгича корпоратив маданиятнинг шакллантирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон республикаси тижорат банклари корпоратив маданият даражасини юксалтириш жараёнига кўпинча мунтазамлилик етишмаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Корпоратив бошқарув бўйича чет элларда тўпланган бой тажрибани мамлакатимизда мавжуд коллектив ҳамкорлик ва ижтимоий шерикчилик тажрибаси билан қўшиб олиб бориш имкониятидан суист фойдаланилмоқда.

Корпоратив ҳамжамият аъзолари корпоратив маданиятини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири кузатув кенгашлари аъзолари ўз эътиборини акциядорлик жамиятларининг фаолиятини бошқариш муаммоларига қаратишларини рағбатлантириб туриш ҳисобланади. Бунда уларнинг рағбатлантиришнинг ижобий воситалари (мукофотлаш, имтиёзли акцияларни ажратиш, хорижий сафарларга юбориш каби) дан фаол фойдаланиш, шунингдек бу жараёнда аксинча, мукофотдан маҳрум этиш, имтиёзли акциялар миқдорини камайтириш, корпоратив ҳамжамият аъзолари

ўртасида изза қилиш каби турли хил санкцияларда ифодаланадиган воситаларни қўллаш зарур бўлади.

Шунингдек мамлакат акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши фаолиятини мустаҳкамлаш корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланиб, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва бизнес муҳитнинг ривожланишига кенг имконият яратади.

III. Ўзбекистон республикасида инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш.

3.1. Инфратузилмани бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Тижорат банкларининг ўзоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди. Ушбу тенденцияни яқин истиқболда изчил ошириб бориш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, банклар томонидан берилган кредитлар таркибида инвестиция кредитларининг улушини ортиб бориши, мамлакатимиздаги кенг қамровли инвестиция сиёсатни олиб боришда банкларнинг аҳамиятини ортиши натижаси ўлароқ уларнинг йирик инвестиция муассасаларига айланишига олиб келади. Банклар активлари таркибида спекулятив тавсифдаги кредитларнинг камайишига ва ресурсларни реал иқтисодиётга қўйилма қилиш ҳисобига Республикаимизнинг истиқболдаги ривожланишида банклар ҳиссасининг янада ортишига олиб келади. Ўз навбатида банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга давлат қўйилмаларнинг манзиллилиги ортишини таъминлайди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуrolлантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва бўлар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида»ги Қарори¹⁸ тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари

¹⁸ www.lex.uz

таркибида банк тизими инвестицион кредитларнинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Буни қўйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари¹⁹

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилг млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	<i>Марказлаштирилган инвестициялар</i>	3819,8	20,9
2.	<i>Номарказлаштирилган инвестициялар</i>	14400,5	79,1
2.1.	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.1	Шу жумладан, ОАТБ «Турон»нинг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар в кредитлар	3876,8	21,2
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 8,4 фоизи тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. Шундан, «Турон» ОАТБнинг имтиёзли кредитлари 256,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, асосан ушбу кредитлар қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига сарфланиши режалаштирилган.

¹⁹ Ўзбекистон республикаси Марказий банки маълумотлари.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

- инсоннинг ривожланиши ва баркамоллигини таъминлашни рағбатлантириш;

- истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан тўлдириш ва ҳажмини ошириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш;

- маҳаллий моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтириш;

- жамият тараққий этиб бориши билан аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари ўзлуксиз кўзатиб бориш.

Ўзбекистон республикасида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришда қўйидагиларни амалга ошириш мувофиқдир:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қўлай шарт-шароит яратиш;

- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича вазифаларни амалга оширимиз даркор.

Келгуси йилларга қўйидаги йўналишлар бўйича ривожлантириш ишларни амалга ошириш лозим:

1. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг барча мақсадли кўрсаткичлари бўйича 2 йил давомида олиб борилган мониторинг натижалари асосида таҳлилий жадваллар тайёрлаш, уларни танқидий кўриб чиқиш, камчиликларини ва ҳажмлар тенденциясини (ўсаётгани ёки қисқариб бориши) аниқлаш;

2. Хизматлар ҳажмининг умумий ўсиш даражаларини таъминловчи омиллар тизимини аниқлаш:

3.Ташкил этилиши мўлжалланган инфратузилмалар ҳисобига эришилиши мўлжалланган хизматлар ҳажми;

4.Мавжуд фаолият кўрсатаётган шахобчалар қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳисобига эришиладиган хизматлар ҳажми;

5.Кредит маблағларидан фойдаланиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш эвазига эришиладиган хизматлар ҳажми (модернизация);

6.Тадбиркорларга бериладиган имтиёзлар, яратилаётган қўлай шарт – шароитлар, молиявий қўллаб-қувватлаш, ер майдонлари ажратилиши ҳисобига эришилаётган хизматлар ҳажми;

7.Норасмий тарзда хусусий тадбиркор ёки жисмоний шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларни тўлиқ ҳисобга олиш эвазига эришилган ҳажми

Хизмат, Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари бўйича:

-фаолият кўрсатаётган савдо шахобчаларининг иш вақти тартибини харидорларнинг бўш вақтларига мослаштириш (сахар, тушлик ва кечки вақтларда) эвазига қўшимча савдо хизматларини ошириш;

-маҳаллий ҳокимият мутасадди ташкилот раҳбарлари билан биргаликда: савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг инвентаризация натижаларини кўриб чиқиб, қўшимча ташкил этилиши лозим бўлган

шаҳобчаларни аҳоли яшаш пунктлари, туман (шаҳар) ва вилоят бўйича жойлаштириш схема режасини тўзишлари;

-савдо шаҳобчаларининг сонига қараб ер майдонлари ажратилиши, уларни аукцион бозорига қўйиши ва фойдаланилмай турган бино қисмларини ижарага бериш бўйича рекламалар беришлари;

-хусусийлаштирилган, лекин бир неча йил мобайнида фаолият кўрсатмай турган савдо шаҳобчалар бўйича зарурий ҳолларда қабул қилинган қарорларни бекор қилишлари;

-савдо ярмаркаларини доимий равишда фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш эвазига қўшимча савдо хизматлари кўрсатиш.

савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган хусусий тадбиркорларга қўлайликлар яратиш, ҳужжатлар расмийлаштиришни соддалаштириш.

Транспорт хизматлари бўйича :

-ташқил этилиши мўлжалланган янги маршрут йўналишлар тушумини аниқлаш;

-носоз йўловчи ва юк ташиш транспорт воситаларини таъмирлаш ва янги олинадиган транспортлардан тушадиган ҳажмларни ҳисоблаш;

-транспорт хизматлари ҳажмига йўловчиларга шахсий автомобилларида ҳудудлараро транспорт хизмати кўрсатаётган ташкиллаштирилмаган транспорт хизматлари ҳажмини статистика томонидан қабул қилинган “Ташкиллаштирилмаган хизматларни ҳисобга олиш бўйича вақтинчалик тавсиянома”си бўйича аниқлаб қўшиш.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати бўйича:

-рақамли АТСлар сонини кўпайтириш, ҳар 100 та яшовчига (республикада 2008 йил якуни бўйича 6,3 та) рақамли телефон аппаратлар сонини жипслаштириш, мобил телефонлардан фойдаланувчилар сонининг (республика бўйича 6,2 млн.киши ёки умумий аҳоли сонининг 22,7% ташқил

этади) вилоятдаги коэффицентини кўтариш ҳисобига эришиладиган хизматлар ҳажмини аниқлаш;

-почта алоқалари бўлимларида, айниқса қишлоқ жойларда автоматлаштирилган молия тўловларига ўтиш, электрон пул ўтказиш;

-ташкilotлар ичида ва ташкilotлараро ҳужжатлар айланмасини қоғозсиз электрон тизимига ўтказиш ҳисобларига эришилиши мўлжалланган хизматлар ҳажми купайтириш.

Молия ва банк хизматлари бўйича:

-Банк-молия хизматига кирувчи хизмат турлари – мини- банклар сони, махсус жамғарма кассалар сони, аҳолининг тижорат банкларига қўйилмалари ҳажми, пластик карточкалар сони, терминаллар сони, терминаллар орқали бажарилган операциялар ҳажми, тижорат банкларининг ажратган кредитлари ҳажми, истеъмол кредитлари ҳажми, Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми каби кўрсаткичларнинг йиллик (чораклик, ойлик) прогноз кўрсаткичларини ҳар бир туманда фаолият юритаётган тижорат банклари кесимида, лизинг ва суғурта хизматлари лизинг (банк) ва суғурта компаниялари кесимида муддати ва манзили аниқ белгиланиши лозим. Ушбу белгиланган муддат ва манзил бўйича ҳар бир хизмат турининг прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳар ойда назорат қилиш;

-Пластик карточкалар бўйича ойма-ой аниқ қайси тижорат банки қайси корхона ва ташкilotда, қанча миқдорда жорий қилиши бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши назорат қилиш;

-Терминалларни ойма-ой аниқ қайси тижорат банки қайси савдо ташкilotида (аниқ манзили кўрсатилади) жорий қилиши бўйича прогноз кўрсаткичларининг ижроси назорат қилиг;

-Ҳар бир тижорат банкининг ажратган кредитлари ҳажми, шу жумладан Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлари ҳажми (ойма-

ой иқтисодиёт секторлари кесимида) бўйича прогноз кўрсаткичлари назорат қилиш;

Ипотека ва истеъмол кредитлари ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари ойма-ой ҳудудда фаолият юритаётган тижорат банклари кесимида назорат қилинади. Бунда ёш оилаларга берилаётган кредитлар алоҳида назоратга олиниши лозим;

Лизинг хизматлари прогнози ойма-ой лизинг объекти, қиймати ва муддати кўрсаткичлари бўйича назорат қилиш;

Суғурта хизматлари прогнози ойма-ой – суғурта турлари, объектлари, қийматлари бўйича ҳар бир суғурта компанияси кесимида ойма-ой назорат қилиш;

Меҳмонхона ва туризм хизматлари бўйича:

- чет эллик туристлар билан тўзилган шартномалар асосида келувчилар сонини аниқлаш, мавжуд меҳмонхоналарни кенгайтириш, тарихий ёдгорликларни тиклаш, қурилиши мўлжалланган меҳмонхоналар тушумини аниқлаш, чет элликларни республикага жалб этиш йўлланмаларини жорий этиш ҳисобига эришиладиган хизматлар ҳажмини кутариш.

Коммунал хизматлар бўйича:

-Ичимлик суви ва газ етиб бормаган аҳоли яшаш пунктларини қамраш, кўп қаватли уйларга иссиқ, совуқ сув ва газ ўлчагичларини ўрнатиш;

- якка тартибда уй-жой қуриш ва таъмирлаш ишлари, махсус автоуловларда чиқиндиларни олиб кетиш эвазига олинадиган хизматлар ҳажмини ошириш.

Маиший хизмат кўрсатиш бўйича:

-янги ташкил этилиши кўзда тутилган маиший хизмат кўрсатиш шаҳоб-чалари сонининг хизматларини ҳисобга олиш;

-кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, меҳнат бозорлари орқали аҳолига кўрсатилаётган ташкиллаштирилмаган хизматлар ҳажмини тўлиқ ҳисобга олиш лозим.

Бошқа хизматлар бўйича:

-бошқа хизматлар бўйича қўшимча ташкил этилиши кўзда тутилган болалар спорт иншоатлари, пуллик тиббий хизматлар, компьютер клублари хизматлар ҳажмларини аниқлаш;

-автомат ўйинлар, истироҳат ва дам олиш боғлари хизматлари ва бошқа хизматлар ҳажмларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ахборот бозор иқтисодиёти шароитида энг арзон товарлардан бири бўлиши лозим. Чунончи, асосий даромад ахборотга эга бўлишдан эмас, балки ундан фойдаланишдан олинishi керак. Бироқ, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган хўжалик даврида давлат бу соҳада ўзининг яккахукмронлик мавқеини ўрнатдики, бу ҳолат ҳалигача тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик туғдирувчи омил сифатида таъсир қилиб келмоқда. Шунга кўра, барча фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун амалдаги қонунчилик, уларга аниқлик ва ўзгаришлар киритилиши, иқтисодий ҳамкорлар, биржа маълумотлари, акция котировкалари ва бошқалар тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни имкон қадар энг паст нархларда тақдим этиш давлатнинг мажбуриятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорларни зарур ахборотлар билан таъминлашда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳам етакчилик ташаббусини ўз кўлига олиши мумкин. Бундан ташқари, палата тадбиркорлар ва аҳоли кенг қатламининг иқтисодий билим даржасини ошириш, бозор кўникмаларини ҳосил қилиш ва бу борада маслаҳат хизматлари кўрсатиш ишларини ҳам фаоллаштириши лозим.

3.2.Ўзбекистон Республикасида инфратузилмани бошқаришни такомиллаштириш

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инфратузилма соҳаси асосий тармоқ ва соҳаларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар билан таъминлар экан, айти пайтда мазкур соҳанинг ўзи ҳам «ҳаёт кечириш» учун маълум шароитлар бўлишини тақозо этади. Шунингдек, инфратузилма таркибий қисмларининг зарур бўлган барча кўринишларини таркиб топиши ва талаб даражасида хизмат кўрсатиши учун ушбу жараёни маълум даражада давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш зарур бўлади.

Ўзбекистонда инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида фикр юритилар экан, биринчи навбатда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига тўхталиш лозим. Зеро, бу ҳолат инфратузилмасининг иқтисодий табиатидан келиб чиқиб, уни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқарилиши инфратузилмани ривожлантиришда давлат иштирокининг муҳим омилга айланишини тақозо этувчи қўйидаги қоидалар орқали изоҳланади:

-одатда инфратузилма соҳасидаги талаб ва таклифни тартибга солиб турувчи бозор механизми товарлар бозоридаги каби жуда самарали амал қилмайди;

-инфратузилма объектларининг хизматига нарх мослашувчан эмас, шу боисдан ҳам уларни пасайтириб, катта қувватлардан фойдаланишга эришиб бўлмайди;

-инфратузилма хизматлари бозорининг нотекис таркибий тўзилиши;

-инфратузилма таркибига кирувчи кўпгина тармоқлар техникавий ва иқтисодий сабабларга кўра бозорнинг олигополия ва монополия сингари шаклларидагина ишлаши мумкин.

Аммо бозор ва тадбиркорлик омилларидан фойдаланилмай, инфратузилма объектларига фақат давлатнинг эгалик қилиши кам самара бериши мумкин. Агар бозор-рақобат омилларидан фойдаланилса, инфратузилма хизматини такомиллаштириш ва инвестициялар сифатини кўтариш борасида катта имкониятлар очилади.

Бу мақсадларга эришиш учун қўйидаги тадбирлар зарур:

- инфратузилмани ишлатишнинг тижорат қоидаларини қўллаш;
- хусусий сектордаги фирмалар томонидан рақобатнинг рағбатлантирилиши;
- инфратузилма объектлари фаолиятининг зарур даражада тартибга солиб турилиши;
- инфратузилма объектлари хизматидан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг режалаштириш, инфратузилма хизматларини ташкил этиш ҳамда шу хизматлар устидан назорат ўрнатишдаги иштирокини фаоллаштириш.

Бу чора-тадбирлар фақат сиёсатни ўзгартиришнигина назарда тутмай, балки инфратузилма иши тизимини тубдан қайта тўзишни ҳам назарда тутади. Илмий манбаларда инфратузилма хизматини такомиллаштириш ва бундай хизмат сифатини яхшилашга, уларнинг қувватини оширишга қаратилган ўзгаришларни амалга оширишнинг тўртта асосий варианты илгари сурилади.

- 1) давлат мулки ва давлат томонидан ишлатиш;
- 2) давлат мулки ва хусусий ишлатиш;
- 3) хусусий мулк ва хусусий ишлатиш;
- 4) инфратузилма хизматининг ҳокимият маҳаллий идоралари ва фойдаланувчилар томонидан уюштирилиши.²⁰

²⁰ Қаралсин: Чжен В.А. ва бошқ. Бозор қонуниятини асослари. —Тошкент, 1996. 333-340-б.

Давлат бошқарув органлари тадбиркорлик субъектларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашда, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес-инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технологик марказлар ва инфратузилманинг бошқа объектларини яратишда кўмаклашиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишни амалга оширишни йилдан йилга кучайтириш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон хусусийлаштиришдан тушган барча маблағлар бюджетга йўналтирилмай, балки хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашга, тадбиркорлик ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилувчи ягона давлат ҳисобланади. Тадбиркорликни молия-кредит жиҳатидан қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи инфратузилмани такомиллаштириш соҳасида давлатнинг вазифаси бўлиб банклар, фондлар, инвестициялаш ва суғурталаш тўзималарининг фаолиятини рағбатлантириш ҳисобланади. Асосий эътибор кредит учун кафолатлар тизимини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолияти хавф-хатарини суғурталашга, Кичик корхоналар учун марказлашган кредитлар бўйича минимал квоталарни ўрнатишга, Кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи молиявий институтларни ташкил этишга, фаолиятнинг мазкўр соҳасининг ривожланишига имкон берувчи банклар учун имтиёзлар тизимини ўрнатишга қаратилади.

Давлат органлари янги илмий-техникавий инфратузилмани, жумладан фан ва илмий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи, функционал, илмий-ишлаб чиқариш бўлинмаларни яратишга кўмаклашадир. Кичик тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматини кўрсатиш имтиёзли шароитларда амалга оширилади. Кредит муассасалари, қимматли қоғозлар бозори ва акцияларнинг котировкаси ҳолати, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ва потенциал ҳамкорлар тўғрисидаги ахборотлар эълон қилинади. Маркетинг, бошқарув маслаҳати, аудит, реклама, контролинг, ташқи иқтисодий операциялар соҳасида ихтисослашган Кичик ва ўрта корхоналар

тизими ривожланади. Инфратузилмаси унсурлари орасида товарнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боришида муҳим тўзилмалардан ҳисобланган майда улгуржи савдо тизимини тартибга солади, унинг рақобат муҳитида фаолият юритишини назорат қилади.

Инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда маҳаллий бошқарув органлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим йўналиш касб этади. Чунки мазкўр органлар ўз маҳаллий бюджет даромадларининг ортиши, ҳудуддаги аҳоли турмуш даражасининг ўсишидан манфаатдор экан, бу мақсадларга фақат иқтисодий фаолият учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бериш орқали эришадилар. Шунга кўра, инфратузилмани ривожлантиришда маҳаллий бошқарув органларининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат бўлади:

- хўжалик юритувчи субъектларини ташкил этиш учун шароит яратиш, кичик бизнес корхоналарини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг самарали фаолияти юзасидан мониторинг ўрнатиш;

- кичик субъектлари учун маҳаллий солиқ ва тушумлар бўйича имтиёзлар тартибини белгилаш;

- тадбиркорликни фаолиятини, шу жумладан инфратузилма унсурларини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш;

- ҳудудда бўш, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино, иншоот ва бошқа ишлаб чиқариш қувватларини аниқлаб, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этишлари учун Кичик бизнес корхоналарига, хусусий тадбиркорларга сотиш ёки ижарага бериш;

- тадбиркорликни ривожлантириш, бозор ва кредит- масалаларига тааллуқли ахборотларни тадбиркорларга етказиш ва бошқа хизматлар бўйича вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари қошида махсус марказлар ташкил этиш;

- ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш учун инфратузилмани ривожлантириш;

-кўп сонли ўзаро рақобат қилувчи корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожланиши учун моддий-техника ресурсларининг улгуржи ва майда улгуржи савдоси, лизинг, консалтинг, инжиниринг ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича шароитлар яратиш;

-ҳудудда тадбиркорликнинг ривожланишига шароит яратувчи инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини режалаштириш ҳамда башорат қилиш ишларини амалга ошириш ва такомиллаштириш, жумладан, ҳудудларда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ишга тушириш дастурларини ишлаб чиқиш;

-бу соҳанинг ривожланишини бошқа иқтисодий жараёнларга таъсирини кўрсатувчи турли даражадаги прогноз ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк хизмати соҳасининг самарадорлигини ошириш, айниқса, хусусий банклар тармоғини фаоллаштириш Ўзбекистон республикасида инфратузилмани ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида майдонга тушади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакат иқтисодий ривожланиш асосини инфратузилма тизимининг ривожланганлик даражаси белгилаши жаҳон тажрибасидан маълум. Шундай экан, ҳар қандай мамлакат ҳукумати барқарор иқтисодий-ўсишни талқин этиш учун инфратузилма тизимини ривжлантириш масаласини бирламчи вазифалар қаторига киритиши табиий. Мамлакат ижтимоий - иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишини айнан, иқтисодиётнинг реал сектори тараққиёти билан инфратузилма объектлари қурилишинининг ҳамоҳанг бориши ва узвийлиги белгилайди. Мамлакат миқёсида миллий инфратузилма тизимини тараққий этишни минтақалараро товар алмашинувида харажатларнинг камайиши, меҳнат ресурслари миграциясининг кучайиши, минерал хом- ашё ресурслари билан ишлаб чиқариш корхоналари таъминотининг жадаллашув ва охир оқибатида, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тезлашишига олиб келади.

Мамлакатимизда инфратузилмани ривожлантиришда аҳоли кенг қатламининг ўзини фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда оммавий ахборот воситалари, меҳнат жамоалари, маҳалла, ўқув муассасалари ва бошқа шу каби жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Жумладан:

-турли хил республика ва маҳаллий матбуотда инфратузилма тўғрисида илмий, илмий-оммабоп мақолалар бериб бориш;

-газета ва журналларда ушбу мавзунинг ёритишга алоҳида эътибор қаратиб, махсус рукн, имкон даражасида махсус нашр ташкил этиш;

-радио ва телевидениеда турли мавзудаги эшиттириш ва кўрсатувлар олиб бориш, инфратузилма муассасалари фаолиятини тарғиб этиш;

-маҳалла, ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида инфратузилманинг моҳиятини ўрганишга қаратилган давра суҳбатлари,

кўрик ва танловлар, мазкўр соҳа вақиллари билан учрашувлар ташкил этиш ва ҳоказо.

Инфратузилмани босқичма - босқич ривожланиши, давлат томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг қай даражада бозор тамойилларига мос келиши билан сарф қилинаётган харажатларнинг бераётган самарасини иш билан таъминлаш даражасининг ошаётганлигида кўриш мумкин.

Биз томонимиздан қўйдаги таклифлар келтирди:

-инфратузилма шакллантириш орқали янги хизмат турлари билан таъминловчи аввал мавжуд бўлмаган институтларни ташкил этиш лозим;

-миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бозор билимларини эгаллаган тадбиркорларни турли муддатларда тайёрлаш бўйича марказлар ташкил этиш;

-инфратузилмани малакали мутахассислар билан таъминлаш ва бу борада Ўзбекистонда шакланган анаъналар ва ўзбек халқини менталитетини ҳисобга олган ҳолда асосан маҳаллий мутахассисларга асосий эътибор қаратиш;

-инфратузилмани шаклланиши ва ривожланишининг ушбу йўналишларда амалга оширилиши иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

Инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бу каби чора-тадбирларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши маълум вақт ичида ушбу соҳа муассасалари фаолиятининг кенгайишига, иш самарадорлигининг ошишига ва пировард натижада иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши орқали республикамиз аҳолиси моддий фаровонлигининг янада юксалишига имкон яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008 йил.- 40 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 04.04. 2002.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори. «Халқ сўзи» 16.04.2005.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида” ги Қонуни. 2003 йил 16 сентябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Таълим тўғрисида”. 1997 йил 29 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”. 1997 йил 29 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Товар хом-ашё биржалар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2004 йил 1 июн.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2003 йил 2 май.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2003 йил 19 апрел.
12. Президентимиз И.А.Каримовнинг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари тўғрисида»ги Қарори. 2005 йил 14 март.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Олий ўқув юртларидан тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”. 2001 йил 26 июл.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари.

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Т., “Ўзбекистон” 2009.- 42 б.
15. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби.Т., “Ўзбекистон” 2009. - 52 б.
16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 34 б.
17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
18. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.
19. Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил.

20. Каримов И.А.”Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтириш”, Тошкент, “Ўзбекистон” 2010 йил, 65 бет.

IV. Асосий адабиётлар.

21. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007.

22. Балалова Е.М., Каурова О.В. Сервисная деятельность: учет, экономический анализ и контроль. М.: Дело и сервис, 2006.

24. Глухов В.В. Менеджмент. Питер, 2009, 608 с.

25. Гончаренко Л.П. Менеджмент инвестиций и инноваций. М., 2009, 160

25. Горфинкель В.Я. «Экономика предприятия». Учебник. - Москва.: «ЮНИТИ-ДАТА», 2008 г.

26. Гойибназаров Б.К ва бошқалар. Баланс муаммолари. Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 179с.

27. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007.

28. Карлик А.Е. и др. Инвестиционный менеджмент. М., 2008, 216 с.

29. Лаврушина О.И. Банковский менеджмент. М., КНОРУС, 2009, 560 с.

30. Мазур И.И., Шапиро В.Д. Корпоративный менеджмент. М., 2008, 781 с. для вузов. – М.: ЮНИТИ_ДАНА, 2003. – 349 с.

31. Р.Б.Чейз, Н.Дж.Эквилейн, Р.Ф.Якобснинг “Производственный и операционный менеджмент” - 480 с.

V. Диссертация ва авторефератлар.

32. Тешабоев.Т.З. “Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари”, 08.00.13.-“Менежмент ва маркетинг”. Иқтисодий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация (Автореферат).
33. Махмудова Г.Н. “Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари”, 08.00.07.-“Молия, пул муомиласи ва кредит”. Иқтисодий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация (Автореферат).
34. Расулов Н.М. “Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизда корхоналарни ривожлантириш самарадорлигини ошириш. (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). 08.00.13.”Менежмент ва маркетинг”. Иқтисодий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация (Автореферат).
35. Жуков Е.Ф. Банки небанковские кредитные организации и их операции. М.: - Вўзовский учебник, 2007
36. Жуков Е.Ф. Деньги. Кредит.Банки. М.: - ЮНИТИ-ДАНА,2008
37. Иванова С.П. Деньги. Кредит.Банки. М.: «Дашков и К»,2007
38. Коробова Ю.И. Банковские операции. М.: -Магистр,2007
39. Кўзнецова Е.И. Деньги. Кредит.Банки. М.: ЮНИТИ-ДАНА,2008
40. Кўзнецова Е.И. Банковское дело. М.: ЮНИТИ-ДАНА,2007
41. Купцов М.М.Денежное обращение финансы и кредит. М.: -РИОР,2007
42. Лаврушин О.И. Банковские операции.М.: -КНОРУС,2007
43. Лаврушин О.И. Банковское дело.М.: -КНОРУС,2007
44. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит , банки. М.: -КНОРУС,2007
45. Лаврушин О.И. Основы банковского дело.М.: -КНОРУС,2008
46. Ларона Л.С и др. Организация деятельности коммерческого банка. М.: - ИД «Юриспруденция»,2007

VI. Сатистик тўпламлар ва мамбалар.

- 47. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, Тошкент-2010.
- 48. ОАТБ” Турон” маълумотлари.
- 49. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

VII. Интернет мамбалари.

- 50. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
- 51. www.uza.uz - Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
- 52. www.ceep.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳўзуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
- 53. www.bearingpoint.uz – USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.
- 54. www.economy.com – АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Economy.com, Inc. Корпорацияси веб-сайти.
- 55. www.internetindicators.com – Иқтисодий индикаторлар Интернет веб-сайти.
- 56. www.economyworld.com – Ахборот Технологиялари Ассоcацияси веб-сайти.
- 57. www.economyworld.org - Ахборот Технологиялари Ассоcацияси веб-сайти.
- 58. www.md-management.ru – официальной сайт Российской компании “Консалтинговая группа МД”.
- 59. www.uzreport.com – SAIPRO консалтинг компаниясига тегишли Ўзбекистон ва бутун дунёдаги бизнес тизим ва истеъмолчиларга ахборот етказиб беришга мўлжалланган интеграциялашган интернет лойиҳа.
- 60. www.uzsecurities.com – Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори ҳақида ахборот берувчи расмий сайти.

Ичимлик суви қувурлари ва тармоқлари қурилиши²¹

Худудлар номи	Ичимлик суви қувурлари ва тармоқлари қурилиши, км					
	2010 й. январ-декабр прогноз		2010 й. январ-декабр ҳақиқатда		%	
	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида
Республика бўйича жами:	2 305,1	2 006,8	2 770,2	2 074,9	120,2	103,4
ш.ж. худудлар						
Қорақалпоғистон Республикаси	95,7	82,7	131,5	86,6	137,4	104,7
Андижон вилояти	73,5	54,5	109,1	93,7	148,4	171,9
Бухоро вилояти	87,1	80,1	123,0	100,3	141,2	125,2
Жиззах вилояти	150,1	102,7	319,3	166,8	2м	162,4
Қашқадарё вилояти	462,7	440,9	300,3	197,9	64,9	44,9
Навоий вилояти	370,3	358,6	409,2	396,3	110,5	110,5
Наманган вилояти	135,0	112,8	188,4	105	139,6	93,1
Самарқанд вилояти	193,2	177,5	250,2	199,8	129,5	112,6
Сурхондарё вилояти	179,2	148,9	228,5	181,7	127,5	122,0
Сирдарё вилояти	82,8	45,1	171,5	66,2	2,1 м	146,8
Тошкент вилояти	207,0	167,9	174,9	171,4	84,5	102,1
Фарғона вилояти	182,4	162,2	247,2	199,6	135,5	123,1
Хоразм вилояти	76,1	72,9	109,6	109,6	144,0	150,3
Тошкент шаҳри	10,0		7,5		75,0	

²¹ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

Табий газ тармоқлари қурилиши²²

Худудлар номи	Табий газ тармоқлари қурилиши, км					
	2010 й. январ-декабр прогноз		2010 й. январ-декабр ҳақиқатда		%	
	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида
Республика бўйича жами:	1 006,5	752,1	910,6	691,6	90,5	92,0
ш.ж. худудлар						
Қорақалпоғистон Республикаси	55,7	39,3	57,0	24,1	102,3	61,3
Андижон вилояти	83,8	60,2	100,6	76,2	120,0	126,6
Бухоро вилояти	69,8	55,7	66,2	61,8	94,8	111,0
Жиззах вилояти	55,1	34,7	57,6	35,4	104,5	102,0
Қашқадарё вилояти	12,0	6,6	28,0	26,2	3,3 м	3,1
Навоий вилояти	25,6	18,7	29,7	15,1	116,0	80,7
Наманган вилояти	143,8	76,5	93,5	59,1	65,0	77,3
Самарқанд вилояти	80,6	60,9	77,0	57,7	95,5	94,7
Сурхондарё вилояти	44,5	40,3	33,1	27,6	74,4	68,5
Сирдарё вилояти	61,2	49,0	62,2	43,6	101,6	89,0
Тошкент вилояти	102,2	95,5	96,6	90,8	94,5	95,1
Фарғона вилояти	140,7	92,5	104,4	72	74,2	77,8
Хоразм вилояти	131,5	122,2	103,8	102	78,9	83,5
Тошкент шаҳри			0,9			

²² Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

2010 йилда ижтимоий соҳа объектларини ишга туширилиши²³

	Ўлчов бирлиги	2010 йил прогнози	Амалда	Прогнозга нисбатан %да
Касб-ҳунар коллежлари	дона	43	44	102,3
	ўк. ўрни	22910	23495	102,6
	ётоқхона ўрни	8355	8505	101,8
Академик лицейлар	дона	5	5	100,0
	ўк. ўрни	2250	2250	100,0
	ётоқхона ўрни	3950	3950	100,0
Умумтаълим мактаблари	дона	20	20	100,0
	ўк. ўрни	12890	12890	100,0
Муסיқа ва санъат мактаблари	дона	46	46	100,0
Болалар спорт объектлари	дона	72	65	90,3
Сўзиш хавзалари	дона	4	4	100,0
Касалхоналар	койка-ўрин	1630	2350	144,2
Шифохоналар	қатнов	3770	5415	143,6

²³ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

**2010 йилда аҳоли пунктларининг ичимлик суви
билан таъминланиш даражаси²⁴**

Кўрсаткичлар	Жами аҳоли пунктлари		шундан ичимлик суви билан таъминланганлар		Таъминланиш даражаси, %да	
	жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	жами	ш.ж. қишлоқ жойларида
Республика бўйича	12263	11079	10479	9465	85,5	85,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1170	1132	962	927	82,2	81,9
Андижон	545	456	521	449	95,6	98,5
Бухоро	1544	1471	1054	1003	68,3	68,2
Жиззах	567	519	406	364	71,6	70,1
Қашқадарё	1181	1046	931	796	78,8	76,1
Навоий	638	594	479	446	75,1	75,1
Наманган	531	403	403	275	75,9	68,2
Самарқанд	1964	1865	1905	1806	97,0	96,8
Сурхондарё	987	865	773	758	78,3	87,6
Сирдарё	290	264	290	264	100,0	100,0
Тошкент	998	885	998	885	100,0	100,0
Фарғона	1226	1020	1226	1020	100,0	100,0
Хоразм	620	559	529	472	85,3	84,4
Тошкент шаҳри	2		2		100,0	

²⁴ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

**Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл атрофи
инфратузилмасини ишга тушириш бўйича мақсадли параметрлар²⁵**

Объектлар номи	Ўл. бирлиги	Жами	шу жумладан:					
			2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Кемпинглар	дона	18	5	7	8	2	1	
Мотеллар	дона	16	12	6	5	5		
Кўп тармоқли ёқилги қуйиш шахобчлари	дона	53	22	16	15	12	10	
АГНКС	дона	59	-	26	14	8	7	4
Медицина ва авария-чакирув хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари	дона	54	19	24	21	5	4	
Автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари	дона	43	20	13	9	6	8	7
Жами:	дона	243	78	92	72	38	30	11

²⁵ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

**Ўзбекистон Республикасида 2007-2010 йилларда соғлиқни сақлаш
хизмати кўрсатиш хажмининг ортиши²⁶**

Худудлар	2007 й		2008 й		2009 й		2010 й		2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўсиши, %да
	прогноз	амлада	прогноз	амлада	прогно з	амлада	прогно з	амлада	
Республика бўйича	114,7	136,6	114,7	132	114,7	132	121	236,1	2,6 марта
Шу жумладан:									
Қорақалпоғист он Республикаси	114,7	125,7	116,7	141,9	116,7	141,9	124,6	141	1,6 марта
Андижон	122,7	127,6	109,1	147	109,1	147	111	206,9	2,1 марта
Бухоро	120,3	103,9	111,3	161,1	111,3	161,1	119,2	127,3	1,1 марта
Жиззах	114,7	181	116,7	148,5	116,7	148,5	121,1	145,9	1,1 марта
Қашқадарё	105,2	167,8	127,2	122,3	127,2	122,3	113,1	103,5	3,9 марта
Навоий	113	118,5	118,4	152,2	118,4	152,2	110,5	102,3	1,1 марта
Наманган	115,8	150,9	115,5	101,2	115,5	101,2	116,3	144,2	1,9 марта
Самарқанд	112,8	125,5	118,7	142,3	118,7	142,3	117,9	114,8	4,5 марта
Сурхондарё	116,8	173,2	114,6	111,4	114,6	111,4	131,8	267	2,1 марта
Сирдарё	118,2	105,8	113,2	191,4	113,2	191,4	118,9	169	4,4 марта
Тошкент	121,9	138	109,8	129,3	109,8	129,3	119,2	207,2	12 марта
Фарғона	113,4	109	118	121,2	118	121,2	121,6	108,8	3,5 марта
Хоразм	112,5	156,5	119	196	119	196	118,7	86,5	1 марта
Тошкент шаҳри	114,5	154,9	116,9	129,5	116,9	129,5	118	147,8	2,7 марта

²⁶ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

**2007-2010 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг
ортиши²⁷**

	Рақамли АТС (дона)			Ҳар 100 аҳолига тўғри келувчи рақамли телефонлар		
	2006 йил	2010 йил	Ўсиш суръати	2006 йил	2010 йил	Ўсиш суръати
Республика бўйича	450	1008	224%	5,7	6,8	119%
Шу жумладан:						
Қорақалпоғистон Республикаси	26	61	235%	4,74	4,92	104%
Андижон	27	45	167%	4,19	4,64	111%
Бухоро	41	81	198%	7,39	7,57	102%
Жиззах	17	35	206%	2,12	2,42	114%
Қашқадарё	23	83	361%	1,89	2,15	114%
Навоий	23	54	235%	7,09	7,59	107%
Наманган	30	90	300%	3,98	4,4	111%
Самарқанд	35	108	309%	3,94	4,27	108%
Сурхондарё	10	45	450%	1,30	2,65	204%
Сирдарё	27	46	170%	5,70	6,02	106%
Тошкент	53	112	211%	4,93	5,14	104%
Фарғона	38	76	200%	4,15	4,28	103%
Хоразм	27	78	289%	4,49	4,59	102%
Тошкент шаҳри	73	94	129%	14,48	28,47	197%

²⁷ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари